




# ЎЗБЕКИСТОН — МАЛАЙЗИЯ КЎП ҚИРРАЛИ МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Малайзия Бош вазирининг ўринбосари, энергетик ўтиш ва сув ресурсларини трансформация қилиш вазири Фадиллоҳ бин Юсуф бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Малайзиянинг нуфузли делегацияси икки томонлама музокаралар ўтказиш ҳамда Самарқанд шаҳридаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Давлат хизмати бўйича форумида иштирок этиш учун расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турибди.

Учрашув аввалида Фадиллоҳ бин Юсуф давлатимиз раҳбарига Бош вазир Анвар Иброҳимнинг салом ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон — Малайзия кўп қиррали муносабатларини жорий йил февраль ойда Куала-Лумпурга амалга оширилган олий даражадаги ташрифда эришилган келишувлар доирасида янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Турли даражалардаги алоқалар, ташрифлар ва алмашинувлар фаоллашгани катта мамнуният билан қайд этилди. Жорий йил бошидан товар айирбошлаш ҳажми 25 фоизга ошди. Қўшма корхоналар сони ва авиақатновлар кўпайди. 24 июнь куни икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокида бизнес форуми бўлиб ўтди.

Иқтисодий ҳамкорликда мавжуд салоҳиятни рўйбга чиқариш ҳамда савдо, инновациялар, “яшил” энергетика, нефть-газ ва кимё, геология, сув ресурсларини бошқариш, электроника ва яримўтказкичлар саноати, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, зиёрат туризмни ривожлантириш ва бошқа устувор йўналишларда кооперация лойиҳаларини фаол илгари суриш муҳимлиги қайд этилди.

ЎЗА

# БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ ДАВЛАТ ХИЗМАТИ БЎЙИЧА ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли Форум қатнашчилари! Хурматли меҳмонлар!

Аваллаббор, сизларни Марказий Осиё минтақасида илк бор ўтказилаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Давлат хизмати бўйича форумининг очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Форумни дунё цивилизациялари чорраҳасида жойлашган Самарқанд шаҳрида ўтказиш борасидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлагани учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гуттереш Жаноби Олийларига алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман.

Фурсатдан фойдаланиб, БМТ ташаббуси билан дунёда кенг нишонланиб келаётган 23 июнь — Давлат хизмати куни билан барчангизни қизгин табриклайман.

Барчамизга аёнки, бугунги кунда дунё барқарор ривожланишга тўсиқ бўлаётган сиёсий зиддиятларнинг кучайиши, иқлим ўзгариши, табиий ва инсон ресурсларининг танқислиги, кибертаҳдидлар каби глобал муаммолар билан тўқнаш келмоқда.

“2030 йилга қадар 5 йил: Барқарор келажак учун хизмат кўрсатиш жараёнини жадаллаштириш” мавзусида ўтказилаётган мазкур халқаро анжуманнинг глобал тараққиётда муҳим ўрин тутадиган давлат бошқаруви ва давлат хизмати тизимини такомиллаштириш, уни замон билан ҳамнафас ҳолда янги босқичга кўтариш, кадрлар салоҳияти ва уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш, бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Хурматли Форум иштирокчилари! Бугунги кунда давлат бошқарувида рақамли трансформацияни рағбатлантириш, давлат хизматларини кўрсатишнинг инновацион ечимларини қўллаш, давлат сектори институтларида самарадорликни кескин ошириш, лидерлик бошқарув услубини ривожлантириш, узлуксиз таълим олишни кенгайтириш ва бўлажак раҳбарлар учун зарур кўникмаларни белгилаш бўйича илғор тажриба алмашиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамиятга эгадир.

Дунёга тобора очилаётган, жадал ислохотлар йўлидан бораётган ва илғор халқаро тажрибани кенг тағбиқ этаётган, “давлат — халқ учун” тамойилига қатъий амал қилиб келаётган Янги Ўзбекистон давлат хизмати соҳасида глобал ўзгаришларнинг ажралмас бир қисмига айланаётганини алоҳида таъкидлашни истар эдим.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда давлат хизматини чинакамига инклюзив халқ

хизматига айлантириш бўйича тизимли ислохотларни олиб бормоқдамиз. Жумладан, халқаро экспертлар билан биргаликда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун тайёрланди.

Ислохотларнинг ҳар бир хонадонга қадар кириб бориши учун “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилди, манзилли кўмак ва ижтимоий ҳимоя институти кучайтирилди, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга етиб, мамлакатимиз бу борада минтақада етакчи ўринни эгаллади. 700 дан зиёд давлат хизматлари “ягона дарча” тамойили асосида онлайн платформалар орқали амалга оширилмоқда.

Давлат хизмати ва бошқаруви жараёнини тўлиқ рақамлаштириш натижасида Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг электрон ҳукуматлар ривожланиш даражаси бўйича глобал рейтингда 24 поғонага, Сунъий интеллектга тайёрлик бўйича халқаро индексда сўнгги бир йил ичида 17 поғонага кўтарилди.

Давлат фуқаролик хизмати янги ёндашувлар асосида ташкил этиш мақсадида замон талабларига мос иқтидорли мутахассисларни жалб қилиш ва профессионал давлат хизматчилари корпусини шакллантириш бўйича кадрлар тайёрлаш кластерини ташкил этдик.

Институционал салоҳиятни ошириш ва инсон капиталига сармоя киритишга кўмаклашиш учун халқаро тажриба асосида эндуменг имкониятларидан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Шу боис, сизларни Ўзбекистонда давлат хизматида рақамли трансформация бўйича Глобал билим марказини очиб, халқаро Ёш етакчилар мактабини ташкил этиш каби глобал ташаббусларимизни қўллаб-қувватлашга қадамларимизни қўймоқдамиз.

Бу ташаббуслар Ҳукуматлар, новаторлар ва ривожланиш бўйича шериклар ўртасида алмашувларни фаоллаштириш, келажак авлод давлат хизматчиларини тарбиялаш, бошқарувида ва кундалик ҳаётда рақамли воситалардан кенг фойдаланиш, давлат секторини инновацияларни жорий этиш учун катта имкониятлар эшигини очди.

Бундай муҳим ташаббус ва таклифлар Форум доирасида қабул қилинадиган Самарқанд декларациясида ўзининг тўлиқ ифодасини топишига, мазкур муҳим ҳужжат ҳаммамиз учун инклюзив, барқарор ва инсон манфаатларига йўналтирилган давлат хизмати эришиш йўлида биргаликда ҳаракат қилиш бўйича ўзига хос дастуриламал бўлишига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, бу эзгу йўлда барчангизга улкан куч-ғайрат ва омадлар, Форум ишига муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН МЎЎУЛИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсухнинг таклифига биноан 24-25 июнь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Улан-Батор шаҳрида олий даражадаги икки томонлама учрашув ва музокаралар ўтказилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон билан Мўғулистон ўртасидаги дўстлик ва амалий ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш масалалари кўриб чиқилади.

Товар айирбошлаш ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, саноат тармоқлари, қишлоқ хўжалиги, қончилик, транспорт соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда кооперация лойиҳаларини илгари суриш, фаол маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш эътибор марказида бўлади.

Саммит экунда келишувлар тўплами қабул қилиниши кўтилмоқда.

ЎЗА

# “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА — ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ ҚУВВАТ МАНБАИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 июнь куни йирик саноат корхоналарини “яшил” энергия билан таъминлаш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор қувват манбалари билан таъминлаш мақсадида “яшил” энергетика жадал ривожлантирилмоқда. Қисқа даврда бу соҳага қарийб 6 миллиард доллар тўғрисида тўғри хорижий инвестиция кириб келди. Йиллик электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми аввалги 59 миллиарддан ҳозирда 82 миллиард киловатт-соатга етди.

2030 йилга бориб, юртимиз аҳолиси 41 миллиондан, иқтисодиёт ҳажми 200 миллиард доллардан ошishi кўтилмоқда. Табиийки, бу электр энергиясига қўшимча талаб туғдиради. Шунинг учун қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг ишга солиш чоралари кўрилмоқда.

Тақдиротда бу йил амалга оширилаётган лойиҳалар ва яқин келажакдаги режалар ҳақида ахборот берилди. Улардан асосий мақсад генерация, модернизация ва энергия самарадорлиқдир.

Хусусан, йил якунигача 12 та қуёш ва 4 та шамол электр станцияси, 12 та энергия сақлаш тизими ишга туширилади. Уларга жами инвестиция ҳажми 5 миллиард доллардан зиёд бўлиб, салкам 9 миллиард киловатт-соат қувватга эга бўлади. Шунингдек, бу йил умумий қиймати 7 миллиард 200 миллион долларлик яна 11 та лойиҳа қурилиши бошланади.

Энергияни нафақат ишлаб чиқариш, балки тежаш ҳам жуда муҳим. Давлатимиз раҳбари томонидан энергия

исрофини камайтириш, айниқса, йирик саноат корхоналарида тежамкор ускуналар ўрнатиш вазифаси қўйилган.

Юртимизда жами электр истеъмолининг учдан бир қисми 18 та тармоққа тўғри келади. Масалан, сув хўжалигини таъминлашга йилга 6,5 миллиард киловатт-соат электр сарфланапти.

Шу боис, 12 та йирик насосни модернизация қилиб, ҳар бирига 75-100 мегаваттлик қуёш станцияси ҳамда 50 мегаваттлик сақлаш қурилмаси ўрнатиш вазифаси белгиланди. Натижада насосларнинг электр сарфи йилга 2 миллиард киловатт-соатга камайиб, 4,5 миллиард киловаттга тушади. Бу ишлар, аввало, сув чиқариш таннархи баланд бўлган Қарши магистрал каналидан бошланади.

Нефть-газ корхоналарида ҳам 240 мегаваттлик қуёш станцияси ва 300 мегаваттлик сақлаш қурилмалари ўрнатиб, камда 600 миллион киловатт-соат электр олиш имконияти бор.

Умуман, йиғилишда электр истеъмоли юқори 18 та тармоқни ўзини ўзи энергия билан таъминлайдиган тизимга ўтказиш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Ижтимоий муассасаларда қуёш энергиясидан фойдаланиш борасидаги ишлар ҳақида ҳам ахборот берилди.

ЎЗА

# ТАШҚИ САВДО ВА ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА СОҲАЛАРИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ташқи савдо ва транспорт-логистика соҳаларида кечиктириб бўлмайдиган чоралар муҳокамаси бўйича йиғилиш ўтказди.

Сўнгги кунларда Яқин Шарқда рўй берган ҳарбий ҳаракатлар шундоқ ҳам нотинч вазиятни янада кескинлаштирди. Бу Ўзбекистоннинг жаҳонга чиқиш йўллари ва ташқи савдо алоқаларига салбий таъсир қайди.

Шу боис, вазиятни тўғри баҳолаб, ташқи савдо, инвестиция, транспорт соҳаларида тезкор чоралар кўриш шартлиги қайд этилди.

Хусусан, экспорт йўналишларини диверсификация қилиш, юкларни бошқа хавфсиз портларга кўчириш зарур. Бу эса дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ташқи харажатнинг 30 фоизгача ошишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис,

ҳамкор давлатлар билан муқобил йўлларни келишиш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича топшириқлар берилди.

Транспорт вазири, Инвестициялар ва ташқи савдо вазири, Савдо-саноат палатаси ҳамда бошқа давлат идоралар раҳбарларига тадбиркорлик субъектлари билан яқиндан ишлаб, экспорт-импорт амалиётларига кўмаклашиш, маҳсулотларига қўшимча бозорлар топиш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни изчил давом эттириш, ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

# Президент ташрифидан сўнг

# ҚУЁШ ПАРКЕНТДА ЮЗ ОЧАДИ


Тинчлик — муқаддас неъмат

Яхши ният инсонни яйратади. Шундай сўзлар борки, кунда неча бор такрорласангиз ҳам охори тўқилмайди. Аксинча, эшитганингиз сари хузурланасиз. Нафақат чехраимиз, балки кўнглимиз ҳам жилмаяди. Бу ният сизу бизга руҳий қувват бағишлайди, эзгу ишларга чорлайди.

Ўзимизга, оиламиз аъзолари ва элу юртимиз учун сўралган тинчлик, омонлик, хотиржамликдан тоғли тилак борми?.. Зотан, Яратганининг мана шу неъматлари оғушида бўлсак, сўзимизда оҳанг, чехраимизда тинчлик, ишимизда унум, файзу барака бўлади. Шунинг учун ҳам боболаримиз, момоларимиз дуога қўл очганида, аввало, ушбу хуш ниятлар янграйди. Сўзимиз ибтидоида таъкидлаганимиздек, бу тоғли неъматлар бизни ҳеч қачон тарк этмасин. Аммо бемақсад урушлар туфайли дунёда юз бераётган нотинчликлар, беғуноҳ қурбонлар, озурда оналар фарёди, норасида гўдаклар ноласи кўз ўнгида, қулонингиз остида жанангалар, дилингизни тикандек тирнаб турганда хотиржам яшаш мумкинми? Мана шундай

дамларда, айниқса, бирлик, жипслик, ҳамжиҳатлик сув билан ҳаводек зарурлиги билинади. Президентимиз жорий йил 18 июнь куни Тошкент вилоятининг сўлим ва баҳаво Паркент туманига ташриф бурди. Бу ердаги иқтисодий ривожланиш ва янги лойиҳалар билан танишиш асосида жамоатчилик вакиллари билан учрашиб, сўзини тинчлигу хотиржамликдек буюк неъматдан бошлади. Инчунин, бу улуг кунларнинг қадрига етиш, шукронасини келтириб яшаш ҳар биримизнинг бурчимиз, вазифамиздир. Давлатимиз раҳбари куйинчақлик билан одамод учун тинчлик муқаддас экани, уни асрашга бутун Ер юзи аҳолиси масъуллигини таъкидлади.

Давоми 3-бетда



# БАРҚАРОР ЖАМИЯТГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ДАВЛАТ ХИЗМАТИ

## ТЕНГЛИК, АДОЛАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Шу кунларда жаҳон аҳлининг диққат-эътибори яна бир қарра кўхна ва ҳамиша навқирон Самарқандга қаратилган. Азим кенгта давлат бошқаруви соҳасидаги энг йирик халқаро тадбирлардан бири — БМТнинг Давлат хизмати форуми бўлиб ўтмоқда.

Форум барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун давлат хизмати ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқиш мақсадида 2003 йилдан буён ўтказиб келинади. Аҳнага кўра, форумнинг ҳар мавсумида давлат бошқарувининг муайян бир муҳим соҳасига эътибор қаратилган ва унга глобал миқёсда ечимлар таклиф этилади.

Нуфузли форум бу гал Ўзбекистонда ўтаётгани юртимизда сўнгги йилларда жамиятимизнинг барча соҳаларида кечаётган демократик ислохотларнинг ўзига хос эътирофидир. Дунёнинг барча минтақаларидан вазирлар ва давлат хизмати мусулман органлар раҳбарлари, шунингдек, халқаро



ва минтақавий ташкилотлар, илмий доиралар, фуқаролик жамияти, хусусий сектор вакиллари ва инновация етакчилари иштирок этаётгани тадбирнинг ўзига хос аҳамиятини яққол намоён этади.

Форум очилишида Президентимизнинг тадбир иштирокчиларига йўлаган табриги ўқиб эшиттирилди. Давлатимиз раҳбари 23 июнь — Давлат хизмати кунини билан соҳанинг барча вакиллари кизгин табриқлаб, давлат фуқаролик хизмати тизимини янада ривожлантириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, бутунги кунда давлат бошқарувида рақамли трансформацияни рағбатлантириш, давлат хизматларини кўрсатишнинг инновацион ечимларини қўллаш, давлат сектори институтларида самардорликни кескин ошириш, лидерлик бошқарув услубини ривожлантириш, узлуксиз таълим олишни кенгайтириш ва бўлажа раҳбарлар учун зарур кўникмаларни белгилаш бўйича илгор тажриба алмашиш долзарб аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Дунёга тобора очилаётган, жадал ислохотлар йўлидан бораётган юртимизда давлат хизматини чинакам инклюзив халқ хизмати айлантириш бўйича тизимли ислохотлар қилинмоқда. Бу борадаги янгиликлар ҳар бир хонадонга кириб бориши учун “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилди, манзилли

кўмак ва ижтимоий ҳимоя институти кучайтирилди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги улуши 35 фоизга етиб, мамлакатимиз бу борада минтақада етакчи ўринни эгаллади. 700 дан зиёд давлат хизмати “ягона дарча” тамойили асосида онлайн платформалар орқали кўрсатилмоқда.

Давлат хизмати ва бошқаруви жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш натижасида Ўзбекистон БМТнинг электрон ҳукуматлар ривожланиш даражаси бўйича глобал рейтингда 24 поғона, сунъий интеллектга таянчи бўйича халқаро индексда сўнгги бир йил ичида 17 поғона кўтарилди. Мазкур форум ана шу йўналишда дунёда шакланган илгор тажрибаларни омаллаштириш, ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим қадамдир.

Форум мавзуси ҳам ниҳоятда долзарб. Яъни тадбир иштирокчилари 2030 йилгача бўлган даврда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ устувор масалалар даражасини фикр алмашди. Мақсад — глобал муаммолар ва ўзаро ривожланишда давлат хизматининг ролин қайта кўриб чиқиш.

Форумда қайд этилганидек, бутунги даврда самарали, инклюзив ва инновацион давлат хизматларига эҳтиёж тобора долзарб бўлиб бормоқда. Бу борадаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида рақамлаштириш, ҳамкорлик ва хизматлардан тенг фойдаланишга эришиш ва янги бошқарув ёндашувлари қўлланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда ислохотлар “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”, деган асосий стратегик тамойилга асосланган инсон қадрини юксалтиришда муҳим омили бўлмоқда. Бундай ёндашув давлат бошқаруви тизимини тубдан ўзгартиришнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Ана шундай изчил ислохотлар самарасида мамлакатимизда замонавий рақамли тизим яратилди. “Рақамли ҳукумат” идораларо интеграция платформаси 49 та давлат органининг 390 дан ортиқ веб хизматини амалга

оширади, уларга ҳар кун 216 дан ортиқ ахборот тизими уланади.

Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари 700 дан ортиқ электрон хизматдан фойдаланиш имкониятига эга, рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони 11 миллиондан ошди. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида кенг жамоатчилик ва профессионал ҳуқуқшунослар учун очик, сунъий интеллектга асосланган рақамли ёрдамчи муваффақиятли жорий этилди.

208 та давлат хизматлари маркази тармоғи республика бўйлаб маъмурий хизматлардан офлайн режимида фойдаланиш имконини бермоқда.

Рақамли трансформация барча асосий йўналишларни қамраб олади — давлат хизматларидан тортиб, электрон молия, электрон тижорат, фискал маълумотлар таҳлили ва рақамли иқтисодийнинг бошқа соҳалари. Бу ютуқлар нафақат рақамли етуқликнинг юқори даражасидан, балки Ўзбекистон ўзи тўплаган тажрибаси асосида дунё мамлакатлари билан ўртоқлашишга тайёрлигидан ҳам далолат беради.

25 июнга қадар давом этадиган форум дастурини давлат бошқарувида инновациялар, соҳада самардорлик, шаффофлик ва ҳисобдорликни оширишда рақамли воситалар ва сунъий интеллектнинг роли, аҳолига кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш бўйича халқаро тажриба, инновацион лабораториялар орқали бошқаруви трансформация қилиш каби мавзулардаги муҳокамалар ўрин олган. Шунингдек, рақамли бошқарув, барқарор ривожланиш ва сунъий интеллект бўйича маълумотлар билан ишлаш бўйича интерактив семинарлар, UNDESA томонидан электрон ҳукумат соҳасидаги ютуқлари учун 12 давлатни тақдирлаш маросими ўтказилди. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистоннинг рақамлаштириш йўналишидаги илгор лойиҳалари билан таништирилади.

Энг аввало, Ўзбекистонни давлат хизмати соҳасидаги ислохотлари билан табриқлайман. Бизнингча, давлат бошқаруви соҳасидаги ҳар қандай ислохотнинг юраги давлат хизматлари ва, албатта, уни амалга ошираётган давлат хизматчиларидир, — дейди БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Акико Фуҗи.

— Хусусан, чекка жойларда яшаётган фуқароларга давлат хизматлари кўрсатишни яхшилаш ва рақамлаштириш борасидаги ишлар таҳсинга сазовор. Бу нафақат технология тараққиёт, балки фидойи ва замонавий давлат хизматчилари меҳнати самарасидир. Мавжуд имкониятлар, электрон ҳукумат тизимлари, иловалар, мобил дастурлар ва фойдали технологияларнинг амалиётига татбиқ этилаётгани ушбу ислохотларнинг ўзига хос жиҳатларидан бири бўлиб, жаҳон миқёсида ҳам долзарб ва керакли тажриба экани таъкидлаш лозим.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда саноат ривожланиши, инвестициялар оқими кўпайиши жойлардаги раҳбарлардан бу борада замонавий билим ва кўникама баробарида ташаббускорлик ҳам талаб этмоқда. Зеро, инновациялар фақатгина янги технологияларни татбиқ этиш билан чекланмай, балки хизмат кўрсатиш моделлари, ташкилий маданият ва давлат муассасаларининг иш услубларини тубдан қайта кўриб чиқиши ҳам ўз ичига олади.

— Форум доирасида бўлиб ўтган семинарлардан бири шу мавзуга бағишлангани айни муддао бўлди, — дейди Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги бошқарма бошлиғи Тимур Абдуллаев. — Чунки бюджет чекловлари, ижтимоий эҳтиёжлар ўзгариши, ошқоралик ва ҳисобдорлик талаблари шароитида давлат хизматларини тезкор ва самарали ташкил этиш замонавий ҳукуматлар олдида турган мураккаб вазифалардан биридир. Шу боис, ушбу тадбир барчамиз учун жуда қизиқарли бўлди. Унда давлат муассасалари ва давлат хизматчилари институционал даражадан тортиб, то кундалик фаолиятигача бўлган даврда инновациялар учун қулай муҳит яратишда дуч келадиган асосий тўсиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди.

Иштирокчилар давлат институтларида инновациялар ва ижодкорлик маданиятини оширишнинг амалий усуллари ҳақида тушунарларга эга бўлди. Хусусан, инновацияларни қўллаб-қувватлайдиган мошлавчан ва самарали тузилмалар, механизм ва ҳуқуқий асослар таҳлил этилди. Шунингдек, давлат хизматчиларининг замон талабидан келиб чиқиб иш юритиши, замонавий кўникмаларни эгаллаши, ҳамкорликни ривожлантириш ва муаммоларга тез ва оқилона ечим топиши муҳокама қилинди.

Давлат бошқарувида индидуал ташаббуслардан ташқари, тизимли, инклюзив ва сезир институтлар яратишга қаратилган ёндашувлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Бундай тадбирлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, янгича ёндашувларни кенг тарғиб этиш ва соҳа ривожини янги босқичга кўтаришда самара беради.

Форум халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, ривожланиётган давлатлар ўртасида тажриба алмашиш ҳамда давлат хизматларидан тенг ва адолатли фойдаланишни рағбатлантиришда муҳим қадам бўлади. Анжунан доирасида рақамли давлат бошқаруви (GovTech) соҳасида ечимлар экспортини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган дастури ишга тушириш режалаштирилган. Шунингдек, инклюзив, барқарор ва инсон манфаатларига қаратилган давлат хизмати яратишга йўналтирилган муҳим ҳужжат — Самарқанд декларацияси қабул қилиниши кўзда тутилган.

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

# ЎЗБЕКИСТОН — МЎҒУЛИСТОН: ТАРИХИЙ ЯҚИНЛИК ВА СТРАТЕГИК МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 24-25 июнь кунлари давлат ташрифи билан Мўғулистонда бўлади.

Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 25 январда ўрнатилган. Шундан буён икки томонлама мулоқот изчил ривожланиб, дўстлик ришталари, сиёсий ҳамжihatликни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтиришдан ўзаро манфаатдор эканини намоён этмоқда.

Ўтган йиллар давомида томонлар суверенитетни ҳурмат қилиш ва ўзаро тенглик асосидаги барқарор муносабатларни ўрнатдилар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Мўғулистон сиёсий мулоқоти фаоллашгани кузатиляпти. Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хуралсух 2022 йилда ШХҲТнинг Самарқанд саммитидаги иштироки доирасида Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ўзбекистон ва Мўғулистон етакчилари 2023 йил 1 декабрь кунини Дубай шаҳрида БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конференцияси доирасида ҳам учрашдилар.

Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хуралсухнинг 2024 йил 23-26 июнь кунлари Ўзбекистонга биринчи давлат ташрифи алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Икки давлат раҳбарларининг самарали музокаралари якунлари бўйича давлатлараро муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот, шунингдек, 14 та ҳужжатлараро ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

“Мўғулистон биз учун Осиё минтақасидаги анъанавий ва ишончли ҳамкордир. Ўзбекистон — Мўғулистон муносабатлари дўстлик, ўзаро ҳурмат ва қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган бўлиб, конъюнктурага боғлиқ эмас”, деди Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташриф доирасидаги тадбирлар чоғида.

Бундай асос ҳукуматлар, парламентлар ва вазириклар даражасидаги икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш учун пойдевор бўлиб, мамлакатларни бир-бирига яқинлаштириш ва ҳамкорлик соҳаларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Шу тариқа Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Мўғулистон Давлат Буюқ Хуралида фаолият юритаётган парламентлараро дўстлик гуруҳлари фаол ташрифлар алмашинуви билан ажралиб турадиган конструктив мулоқотни йўлга қўйди.

Идораларо ҳамкорлик механизмлари самарали ишламоқда. Ташқи ишлар вазириклари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувлар икки томонлама ва халқаро кун

тартибидидаги масалалар бўйича ўзаро англашувни мустаҳкамлаш, халқаро ташкилотлар доирасида ёндашувларни мувофиқлаштириш, шунингдек, турли соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш учун барқарор ҳуқуқий ва институционал асосни шакллантиришга хизмат қилаяпти.

Бутунги кунга қадар икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг 7 та давраси бўлиб ўтди. Сўнгги сиёсий маслаҳатлашувлар 2024 йил 7 май кунини Улан-Баторда ташкил этилди.

Икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришда дипломатик ваколатхоналар фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистоннинг Пекиндаги элчихонаси бир вақтинчи ўзида Мўғулистонда ҳам аккредитациядан ўтган.

2024 йил 24 июнь кунини Мўғулистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида Мўғулистоннинг Тошкентдаги элчихонасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Ушбу дипломатик каналлар икки томонлама ташрифлар ташкил этиш, сиёсий маслаҳатлашувлар ва турли соҳалардаги битимлар лойиҳаларини тайёрлашга яқиндан кўмаклашяпти.

Ўзбекистон ва Мўғулистон анъанавий тарзда халқаро майдонда бир-бирини фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бу, айниқса, БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (Мўғулистон кузатувчи мақомига эга), шунингдек, икки давлат Шарқ ва Ғарб ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш имкониятларини кўраётган Осиё — Европа мулоқоти (АСЕМ) каби ташкилотлар доирасида яққол кўзга ташланади.

Мўғулистон Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги Марказий Осиёда барқарор ривожланиш, минтақавий барқарорликни таъминлаш ва алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларини бир неча бор дипломатик қўллаб-қувватлаб келган. Ўз навбатида, Ўзбекистон Мўғулистоннинг барқарор энергия ечимларини илгари сурди, атраф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чўл экотизимларини сақлаш борасидаги сайё-ҳаракатларини эътироф этган.

Мўғулистоннинг Ўзбекистон муҳим географик ва иқтисодий мавқега эга бўлган Марказий Осиё билан минтақавий ҳамкорликка қизиқиши ортиб бораётгани сир эмас. Ўзбекистон, ўз навбатида, Мўғулистонни



Шимол-шарқий Осиё билан сиёсий ва иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда муҳим шерик сифатида билади.

Халқларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик хали тўлиқ салоҳиятини намоён этгани йўқ, десак муболаға бўлмайди. Энг асосийси, ҳар икки томон ҳам уни фаоллаштиришдан манфаатдор эканини кўрсатмоқда. Мўғулистон Ўзбекистонга минтақадаги

тикландиган энергия манбалари ва энергия тежайдиган технологиялар йўналишида ҳамкорлик, айниқса, истиқболли ҳисобланади.

Бутунги кунда Ўзбекистонда ушбу мамлакат билан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 17 та қўшма корхона ташкил этилган. Уларнинг 12 таси 100 фоиз Мўғулистон капитали билан фаолият юряптапти.



муҳим савдо-иқтисодий шерик сифатида қарайди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи барқарор ўсиб бормоқда, бу кўрсаткич ҳар йили ўртача 30 фоиз ошаётгани шундан далолат беради.

Ҳар икки давлат ҳам муҳим хомашё, энергетика ва кишлоқ хўжалиги соҳасидаги юқори салоҳиятга эга ва мамлакатларимиз иқтисодий ёки бир-бирини тўлдирувчи бўлиши мумкин. Энергетика, жумладан, қайта

Томонлар қўшма корхоналар очиб, савдо миссияларини ривожлантириш, ярмаркалар, бизнес-форумлар ва инвестициявий конференцияларда иштирок этиш имкониятларини доимий тарзда кўриб чиқаяпти. 2024 йил июнь ойда Мўғулистон ва Ўзбекистонда савдо уйлари очилиши, икки давлат пойтахтларида саноат кўргазмалари ўтказилиши эълон қилинди.

Туркий ва мўғул халқлари асрлар давомида Марказий Евроёсиёда даштларидан вужудга келган ягона этник-маданий ва геосийсий маконда яшаб келган. Бу халқларни кўчманчи маданиятнинг умумий намуналари, ўхшаш ижтимоий тузилмалар, лисоний ва мифологик унсурлар, анъаналар, тарих ва табиатга чуқур ҳурмат бирлаштириб туради.

Ҳозирги Ўзбекистон ва Мўғулистон ҳудудида вужудга келган буюқ сулолар — Хунлар давлатидан Чингизхон ва Темурийларгача бўлган давр нафақат Евроёсиёнинг тарихий тақдирини белгилаб берди, балки бир-бирига маъмурий маданият, санъат, дипломатия, ҳарбий стратегия бўйича билимларни узатди.

Ўзбекистон ва Мўғулистон Шарқнинг энг муҳим маданий ва илмий анъаналари — Буюк ипак йўлидан тортиб, ёзма ва маънавий ёдгорликлари эгаларидир. Мўғулистонда Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятига оид қўллаб қадимий ёзма манбалар мавжуд. Улар Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик ва қўлёзмалар институтларида қизиқиш уйғотмоқда. Археология, музей иши, реставрация ва туризм соҳасидаги ҳамкорлик қўшма лойиҳалар, илмий экспедициялар, кўргазмалар ва таълим дастурлари учун янги имкониятлар очади.

Хусусан, 2023 йил октябрь ойда Жалолиддин Манғуберди жамғармаси вакиллари туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг ўзига бўлган ўрхун-Энасой битиклари билан боғлиқ видеоматериаллар тайёрлаш мақсадида илмий-амалий сафар билан Мўғулистонга борди.

Бутунги кунда иккала томон ҳам талаблар алмашинуви, академик алоқалар, тарих, тил ва маданиятни ўрганиш бўйича дастурларни ривожлантиришда, Туркология ва шарқшунослик марказларини ривожлантириш истиқболли йўналиш бўлиб, Мўғулистон ва Ўзбекистон тажрибаси илм-фан ва таълим соҳаларини ўзаро бойитяпти.

Бундан ташқари, миллий маданият ташкилотлари кўмағида маданият кунлари, гастроль сафарлари, кинофестиваллар, анжуманлар, ижодий форумлар мунтазам ўтказилляпти ва улар гуманитар мулоқотлар асосини ташкил этаётди.

2024 йил июнь ойда Тошкентда Ўзбекистон давлат академик халқ чолу асбоблари оркестри ва Мўғулистон филармоник оркестрининг “Морин Хуур” қўшма концерти бўлиб ўтди. Мазкур мўғул мусиқий гуруҳи II халқаро мақом санъати форумида ҳам иштирок этди.

Ўз навбатида, ўтган йилнинг ноябрь ойда Мўғулистон Маданият вазирилик кўмағида Мўғулистон филармониясида ўзбек халқининг маънавий-маданий мероси тақдироти ташкил этилди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасидаги муносабатлар ҳурмат, ўзаро манфаатдорлик ва тарихий яқинликка асосланган. Ҳар икки давлат ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама шаклларда янада фаол ҳамкорликка интилишларини намойиш этмоқда. Ўзбекистон ва Мўғулистон сиёсий ирода, мустаҳкамланган иқтисодий ҳамда гуманитар алоқалар билан икки томонлама шерикликни Марказий ва Шарқий Осиёдаги барқарор ҳамда ўзаро манфаатли тарзда ривожланиш векторида айлантиришга қодир.

Шу нуқтага назардан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Мўғулистонга давлат ташрифи бу жараёнга кучли суръат бағишлаб, мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги тарихий дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш ва ўзбек-мўғул ҳамкорлиги тарихида янги саҳифа очилиши шубҳасиз.

“Дунё” АА



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz.uz



Президент ташрифидан сўнг

ҚУЁШ ПАРКЕНТДА ЮЗ ОЧАДИ

Ўзимиз уйғониб яшайлик! Мудроқларни уйғотиб яшайлик! Тийрак инсон оёқ остини ҳам, узоқни ҳам ёрқин кўради. Ана шу ёрқинлик бизнинг кўзимизда ҳам, кўнглимизда ҳам бўлсин. Яратган инояти ила бизга тоза ҳаво, тоза сувни тоғларимиз тутлади. Офтоб орази ҳам тоғларимиз оша юз очади.



Махмуд ТОИР, Ўзбекистон халқ шоири

Бошланиши 1-бетда

Ҳақиқатан, бу оламшумул бунёдкорликлар, янгидан-янги лойиҳалар, сон ва сифат ўсиши, турмуш даражаси ортиши — халқимизнинг фаровон ҳаёти замирида Яратган инъом этган тинчлик мужассам.

Паркентсой саодати

Бугун “Паркент” сўзини тилга олган одам тоғли ташмиш кўлади. Бойси, Паркент узуми, шакардан ширин меваси, мадор сомсаси фақат шу ерда бўлади. Бундан ўзгача бўлиши мумкин эмас. Бежиз бу табаррук замин Восифий, Хожа Ахрор валийдек буюкларни, катта истеъод ва билим соҳиб, шоҳ ва шоир Борбурдек шахсларни мафтун этмаган.

Хўш, Паркентсой теграсида яшаётган аҳолининг саодати нимада?

Чотқол тоғ тизмаси бағридаги булоқлар, ёмғир ва қор сувидан жамланиб, Паркентнинг кўксидан оқиб ўтадиган бу сой кўламли қуйлади, айрим йиллари селу тошқини билан шовқин солиб, ҳаммани шоширади. Ўша суви ўзи соғиниб, кўзда мулоим бўлиб оқади. Селу тошқини билан ўзанини ниҳоятда кенгайтириб юборган Паркентсой ва ён-вери кейинги йилларда жуда кўрмисиз, айрим қисми аҳоли учун хавфли, қирғоқлари чикинди-хонага айланиб, киши кайфиятини буздиган бўлиб қолганди.

Паркентсой тўғша этган саодат шундаки, давлатимиз раҳбари паркентликларни хушхабарлар, янгиликлар оламига олиб кирди. Бу эзу ишларнинг аввали нимадан бошланди? Бир йил муқаддам Президентимиз вакили туманга келиб, ҳаммиша тирбанд, маънан эскирган, аҳолини қийнаб юборган кўприк устида маҳаллий кенгаш депутатлари, маҳалла фаолларини йиғиб, фикрнинг сўради. Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг режаларини баён қилди. Тўғриси, ўша дамда бу режаларнинг амалга ошиши худди эртангдек туюлган. Чунки 1979 йил февралда қайта ташкил этилган Паркент туманида йиллар мобайнида тўпланиб келатган, ечими топилаётган чуқур муаммоларнинг қисқа муддатда ҳал этилишига дабдурдудан ишонини қийин эди!

Президентимиз Паркент туманига ташрифини айнан Паркентсой аҳоли массивидан

бошлади. Бу ерда қад ростлаган кўп қаватли уйлардаги шарт-шароитлар билан танишди. Бош лойиҳага асосан, Паркентсой қирғоғида — умумий майдони 6 гектар ҳудудда 5500 хонадонни ўз ичига олган 125 та кўп қаватли турар жой қурилади. Шу пайтгача ушбу уйларнинг 27 таси барпо этилди. Худуд бўйлаб 300 та автомобилга мўлжалланган очиқ авто-тураргоҳ, 7 та болалар, 3 та соғломлаштириш майдончаси, 2500 метрли велойўлакча қуриляпти. Турар жойларнинг кўча томондаги биринчи қавати аҳолига хизмат кўрсатиш шох-бчалари, савдо дўконларига ажратилади. Бу масканларда 700 дан зиёд янги иш ўрни очилади.

Хозир Паркентсой ёқалаб юриш кишининг кўзини яшнатади, ҳайратини оширади. Биринчи босқичда сойнинг 4 километр қисми тўлиқ бетонлаштирилди. Соё четида 5 километрли янги йўл қурилди. Янги йўл туман марказидан ўтган асосий кўчага ёндош, бир кеча-кундузда 10 минг автомобилни ўтказиш қувватига эга. Табиийки, бу Паркент шаҳри ички йўлдаги тирбандликни камайтиради.

Қолаверса, юқорида таъкидланган баландлиги 50 метр бўлган кўприкнинг эни 12 метрдан 21 метрга кенгайтирилди. Шунингдек, пиёдалар йўлакчаси, йўл ўтказгич барпо этилди.

Бунёдкорликнинг иккинчи босқичида Кумушконга бўлган ўзан тартибга келтирилиб, очиладиган 100 гектар ерда туризм объекти қурилади.

Туман аҳолининг кўксини тоғдек кўтарган яна бир янгилик — “Байтқўрғон — Паркент” йўналишидаги электрлаштирилган темир йўли лойиҳаси бўлди. Бу, албатта, аҳолининг Тошкент шаҳрига бориши учун катта қулайлик яратса, туманга келадиган сайёҳлар учун ҳам аини мудида бўлади. Унда 275 минггача йўловчи ташилиши мўлжалланган. Режага кўра, шу йил якунигача электр поезди фойдаланишга топширилади.

Нурли суҳбат

Давлатимиз раҳбарининг паркентлик фаоллар билан суҳбати ҳам кўнглимизга нур олиб кирди. Самимият ва қатъий ишонч билан айтилган фикр-мулоҳазалар давлатимиз раҳбарининг ғамхўрлиги, дарёдиллиги,



мард ва тантилигини яна бир қарра кўрсатиб берди. Президентимиз принциплариға содиқ ҳолда шу суҳбатда ҳам халқни рози қилиш, муҳтож, эътиборталаб хонадонларга давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар хусусида батафсил тўхталди. Шу маънода, бир ҳовлида 3-4 келин билан қисилиб яшаётган ҳамюртларимиз учун аҳоли зич жойлашган маҳаллаларда ҳам 5-7 қаватли уйлар қурилади. Муҳтож оилаларнинг уйга кўёш панеллари ва сув иситишда фойдаланиш учун геокolleкторлар ўрнатилди. Бу тажриба Паркентда бошланиб, келажакда оммалаштирилади.

Олимжоннинг орзулари

Кумушкон “туризм қишлоғи” мақомини олган дастлабки масканлардан. Қишлоқда биринчилардан бўлиб “Сайёҳ — 2000” номи билан меҳмон уйи очган одам Қодиркул Юсупов бўлади. Орадан йиллар ўтиб, у бошлаган ишни ўғли Олимжон Юсупов давом эттирди, 16 ўринли меҳмон уйи қурди. Бугун уни ҳажман кенгайтириб, 48 ўринга етказди. Меҳмон уйига кирган киши у ердаги миллийлик, жозоба, саранжом-сарихталик, табиат гўзаллиги хонадон файзи билан уйғунлашиб кетганини кўриб, яйрайди. Рухиятида энгиллик ҳис қилади.

Бир йилда 2000 сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга ушбу меҳмон уйида 7 киши иш билан таъминланган. Олимжон Юсупов билан дастлаб 240 миллион, кейин 2 миллиард, ундан сўнг 1,5 миллиард сўмлик кредитлар олди. Аукцион орқали Кумушкон қишлоғидаги Маңитали бува зиёратгоҳининг устки қисмидан 1,2 гектар ерни сотиб олиб, лойиҳа қиймати 12 миллиард сўмлик янги дам олиш маскани қурилишини бошлаб юборди. Чойхона, замонавий коттежлар ҳадемай ишга тушса, бу ерда ҳам 72 сайёҳ хордиқ чиқариши мумкин.

Давлатимиз раҳбари кумушконлик тadbиркорнинг хонадонига ҳам ташриф буюриб, шарт-шароитларни кўриб, хонадон соҳибларининг омилкорлиги, ишбилармонлигидан мамнун бўлди. Янада яхши бўлиши учун зарур маслаҳатларини берди. Шундай лойиҳаларни бошқа масканларда ҳам амалга ошириш кераклигини таъкидлади. Зеро, бундай



бунёдкорлик неғизида ҳам асида ватанпарварлик туради.

Умуман, Тошкент вилоятидаги 1000 га яқин меҳмон уйи сафи кун сайин кўпайиб бормоқда. Улардаги иш ўринлари сони 3000 га яқинлашиб қолди.

Гилос эмас, марварид

Президентимиз Кумушкон ҳудудидаги тоғларга туташ жойда бунёд этилган интенсив боғда ҳам бўлди. Бу манзилдаги имкониятлар билан танишди, миришкорлар билан суҳбатлашди.

“Meridian Tempo” корхонасига қарашли 54 гектар боғда гилос, олма, нок ва малинанинг экспортбор навлари етиштирилмоқда. Қўчалар Франция ва Испаниядан келтирилган. Дарахлар ўзини ўзи чағлатиш хусусиятига эга. “Ақлли” агрегатлар ернинг нами қочса, автоматик суғоради. Бу боғ нисбатан тоғли ҳудудда бўлгани учун меваси бошқа жойлардагидан кечроқ пишади. У ерда кўёш панеллари ҳам ўрнатилган.

Ҳосил тўлиқ экспортга чиқарилади. Бу йил 500 тонна олма, 400 тонна нок, 256 тонна гилос, 30 тонна малина етиштириш кўзда тутилган. Албатта, ҳаракатга яраша барака бўляпти — боғ соҳиблари мўмай даромад топяпти.

Олтин белнинг ороми хуш

Президентимизнинг туман фаоллари билан суҳбатда айтган бунёдкорлик ишлари билан суҳбатимизнинг тортди. Чунки унда ўзига хос шпирона ўхшатиш бор эди. Давлатимиз раҳбари ғоят самимият ила: “Оламга кўёш Япониядан чиқса, Ўзбекистонга Паркентдан чиқади!” дея дутф этди.

Шу икки оғиз сўзда дунё-дунё маъно, юк ва масъулият борлигини хис қилдим. Бугун Ўзбекистонимиз аҳолиси қатори янги Ўзбекистон тараққиёти учун паркентликлардан

ҳам фаоллик, ватанпарварлик ва фидойилик талаб қилинаётганини англадим. Холбуки, кўёш Паркентдан чиқаркан, паркентликлар бу ишларда уйғоқ, илгор ва пешқадам бўлмоғи лозим.

Давлатимиз раҳбари Кумушконга туташ тоғлар қафтидаги, хусусан, Олтин бел чўққисидagi дам олиш маскани ва янги лойиҳалар билан танишди. Бу ерда “Parkent mountain resort” тоғ-чанғи курорт зонаси ташкил этилади. Лойиҳада 1 та кўп тармоқли ташриф маркази, 7 та дор йўли, 3 та тоғ-чанғи йўли, 4 та меҳмонхона, 40 та вилла, 4 қаватли авто-тураргоҳ, ресторан, вертолёт майдончаси, болалар майдончаси ва бошқа туризм объекти барпо этилиши кўзда тутилган.

Президентимиз намунавий меҳмонхонадаги шароитларни кўздан кечирди. Австрия компанияси томонидан 1200 гектар майдонда тоғ-чанғи курорти қурилиши режалаштирилган.

Лойиҳа уч босқичда амалга оширилади. Тўлиқ қувватда кўнига 15 минг сайёҳни қабул қилади. 600 га яқин сервис мажмуи ташкил этилади. Мавсумий хизмат кўрсатиш тўғрисида 10 мингга яқин иш ўрни очилади.

Истиқболли лойиҳалар

Президентимиз “ВАНУ Экспорт” масъулият чекланган жамиятининг мева ҳамда сабаз-овотларни қуриштириш, қайта ишлаш ва қadoқлаш лойиҳаси асосида ишга туширилган корхона-сини ҳам кўздан кечирди.

Мазкур қўшма корхона “Алиф” бренди остида Нидерландия ва БААнинг йирик фирмалари билан маҳсулот экспорт масаласида шартнома имзолаган. Келгусида экспорт ҳажми янада ошиб, МДҲ ва Европанинг қатор мамлакатлари ишбилармонлари билан 8 миллион долларлик шартномалар тузилади. Тадбиркор Фурқат Ҳикमतов мазкур МЧЖ тармоғида 200 та иш ўрни очган.

Давлатимиз раҳбари Сўқок сайёҳлик маркази лойиҳаси билан ҳам танишди. Лойиҳа

янада самарали бўлиши учун таклифларини айтди. Айни лойиҳага кўра, марказ 7 гектар жойда барпо этилиши кўзда тутилган. Унда 17 турдаги объект бунёд этилади. Хусусан, 100 кишилик чойхона, 350 хонали 2 та 11 қаватли меҳмонхона, шале типидagi уйлар, соғломлаштириш маркази, авто-тураргоҳлар, катта-кичик меҳмонхоналар, супалар, олма кўприк, кемпинглар, кузатув майдони ва ҳоказолар Сўқок сайёҳлик маркази жозибасини таъминлайди.

Тоғларга чиққанлар тоғ бўлиб қайтар

Ушбу ташриф фақат паркентликлар учун эмас, айни Тошкент вилояти, қолаверса, мамлакатимиз учун ҳам, узоқни ҳам ёрқин кўради, тарихий аҳамиятга эга. Катта-катта лойиҳаларга қўл уриш арафасида турган тadbиркорлардан оддий аҳолигача бунинг натижасини, маҳсулдини кўрмоқда, сезмоқда. Шу боис, ўзини англаган юрдошларимиз бу кунлар, имкониятларнинг қадрини чуқур хис этиб, ватан ривожини, миллат тараққиёти бирлиқда, яқдиллиқда эканига яна бир қарра амин бўлди. Ҳа, Ўзбекистонимизнинг, пойтахти азиямининг кўёш Паркентдан чиқади. Бу, албатта, ватани, халқини севган, унинг эртанги кўни учун қайғурган одамнинг қалбида юз очади!

Ушбу дил изҳорларимизга нуқта қўйишдан олдин бутун Паркент аҳлига, қадрли тумандошларимизга айтоқчиманки, қарс ҳамиша икки қўлдан чиқади. Шунча эътибор, эъзоз ва ғамхўрликка сизу бизнинг жавобимиз қандай бўлади?

Авалло, ўзимиз уйғониб яшайлик! Мудроқларни уйғотиб яшайлик! Тийрак инсон оёқ остини ҳам, узоқни ҳам ёрқин кўради. Ана шу ёрқинлик бизнинг кўзимизда ҳам, кўнглимизда ҳам бўлсин. Яратган инояти ила бизга тоза ҳаво, тоза сувни тоғларимиз тутлади. Офтоб орази ҳам тоғларимиз оша юз очади.

УЛУҒВОР ЎЗГАРИШЛАР ҲАЙРАТИ

Шарифа САЛИМОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира

Эндигина кўлимга қалам олиб, илк сатрларимни қоғозга тушираётган болалик дамларимда бундай деб ёзган эдим: “Мен хув ўша олислардан мағрур тутган бошини, кексалардек кумуш сочили хушқад Чотқол қизиман”. Бу менинг она Паркентим ҳақидаги илк тасаввурларим эди.

Урушдан кейинги оғир йиллар, ўтган асрнинг олтинчи йилларидаги қийинчиликлар... “Бизнинг кўксимизга ҳам шамол тегармикан”, деб ҳасратларда ўтиб кетган авлодларимиз, баҳорда гувилаб, сўрон солиб келган селининг омонатига ёғоч кўприкни неча бор оқиб кетгани, йил бўйи машаққат билан меҳнат қилиб, тоқзорни боласидек авайлаб, ҳосилини кутган соддадил, қўли қadoқ халқимизнинг бор умумини Паркентдаги биттагина вино заводига турнақатор навбатга туриб, арзимаган чойчакага топшириб келиши... Булар бари болалик хотираларимнинг маҳзун варақлари эди.

Президентимизнинг Паркент туманига ташрифи чоғида вилоят, туман фаоллари билан суҳбат мобайнида кўз ўнгимда кино тасмасидек ўтган хотираларим бутунги

Паркентим жамоли олдида тумандек тарқаб кетди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Паркент аҳолиси кўксига ўша биз узоқ кутган жаннат насимларидек хуш шабадалар эса бошлади. Паркентсой бўйида виқор билан қад ростлаб турган қатор уй-жойлар бир пайтлар сел ювиб кетиб харобага айланган жойлар ўрнида ўз эгаларини куттиб турибди.

Олти гектар майдонга қурилиши мўлжалланган 125 та кўп қаватли, 5200 хонадонга мўлжалланган бу уйларнинг қурилган қисми кўрган кўзни қувонтиради. Мазкур уйлар аҳолининг талаблари ва дидига мос қилиб қуриломоқда. Лойиҳада мактаб, болалар боғчалари, истироҳат боғи, велосипед йўлакчалари, дам олиш зоналари ва бошқалар ҳам ҳисобга олинган.



Давлатимиз раҳбари туманда туризмни ривожлантириш мақсадида қиймати 1 миллиард 800 миллион долларлик 52 та лойиҳа амалга оширилиши ҳақида тўхталганида, кўз ўнгимизда Паркентнинг келгусидаги янада жозибали истиқболли гавдаланди. Аслида, дунё бир-бирини адабиёти, тили, сайёҳлик жозибаси орқали танийди. Бу ернинг миллий қадриятлари, бетакрор табиатининг жонбахш нафаси, халқ қалбидagi камалат ранг дунёни ўзи билан олиб кетади. Паркентнинг паҳлавонлардай, ёнбошлаб ҳаракатсиз ётган ўнгилари, уларнинг кўксига яратилаётган

бетакрор маъволар тарих саҳифаларига битиклар бўлиб жойланади. Буларнинг бариди давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси намоён бўлиб турибди.

Туманимизда жуда қисқа муддатда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари яқин орада у ерга бормаган инсонни шошириб қўйиши ва ҳайратга солиши шубҳасиз. Янги кўприкнинг мустаҳкам ва халқимиз орзусидагидек қурилиб, ишга туширилгани, йўллар, йўлакчалар, шаҳарга қиравершидаги биноларнинг муҳташамлиги, шамолда епиниб, ўзидан хуш ифтор таратаётган райоҳу жамбиллари, кўёш юзли гуллар... Бу гўзалликларнинг бари бизни ўзига оҳанрабодек тортиб, мафтун қилади.

Ушбу лойиҳаларнинг амалга ошиши 3300 та иш ўрни, 1 миллион сайёҳга хизмат кўрсатиш имкони яратилди, дегани. “Олтин бел” чўққисидa Австрия компанияси томонидан 1200 гектарда тоғ-чанғи курорти қурилиши, 3, 4 ва 5 юздўзли меҳмонхоналар барпо этилиши, чанғи учини ва олма дор йўли, шалелар, пикник майдони, рестороңлар, соғломлаштириш хизматлари ташкил этилиши, натижада кўнига 15 минг сайёҳни қабул қилиш имконига эга бўлиши, мавсумий хизматлар билан бирга 10 мингга яқин иш ўрни яратилиши, умуман, Паркент туманининг йирик туризм манзилларидан бирига



айланиши халқимиз қалбидa амалга ошмай ётган асрий орзулар эди.

— Кўёш Паркентдан чиқади, — деди Президентимиз суҳбат мобайнида. Бу сўзининг мазмун-моҳияти шунчалар тераник, кўёш нурали тушган жой обод бўлади, жаннатмонанд жойга айланади. Бу нур мамлакатимиз бўйлаб “Инсон қадри учун” тамойили асосида кечаётган кен қўламадаги ислохотлар машъали, Учинчи Ренессанс йўлини ёритувчи ёруғлик, Президентимиз қалбидagi ўз юртини дунёнинг энг ривожланган

давлатлари қаторида кўриш ва ундан ўзиш ёғдуси, инсон тафаккурининг мудроқ қатламларини уйғотиб юборадиган ёрқин шуълалардир.

Байтқўрғон — Паркент йўналиши бўйича бир кунда 275 минг йўловчига хизмат кўрсатадиган электр поезди катновини йўлга қўйиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳаммамиз узоқ йиллар орзулардан қувончлардир...

Бахт ва қувончларимизнинг умри абадий бўлсин.



# Худудлар ҳаёти

## Иқтисодиётда диверсификация: Янги имкониятлар йўли

Саноатни ривожлантиришда энг долзарб масалалардан бири унинг худудлар бўйича самарали ташкил этилиши ва тармоқлар кесимида диверсификация, яъни хилма-хиллик даражасига эга бўлишидир. Сабаби, иқтисодий ўсишнинг барқарорлиги нафақат марказий худудлардаги ривожланишга, балки барча вилоят ва туманлардаги ишлаб чиқариш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга таянади. Бу эса худудларнинг индустриал базаси, маҳсулот турларининг хилма-хиллиги ва экспортбўй тармоқларнинг мавжудлиги билан чамбарчас боғлиқ.



“Ўзбекистон — 2030” стратегияси мамлакат тарраққийнинг барча жабҳасини қамраб олган. Унда, айниқса, иқтисодиётни модернизация қилиш ва худудий ривожланишни таъминлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган. Хусусан, қайта ишлаш иқтисодий ўсишнинг локомотиви сифатида қўрилмоқда. Бунинг сунгги йиллардаги инвестициявий лойиҳалар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янгилаш каби сайёҳаракатлар яққол тасдиқлаб турибди.

Қайта ишлаш саноати хомашёни юқори қийматли маҳсулотга айлантириш орқали нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки янги иш ўринлари очади, экспорт ҳажмини кўпайтиради. Шунингдек, иқтисодиётни таъки ташкирларга чидамли қилади.

2024 йил якунига кўра, қайта ишлаш саноати маҳсулотлари қиймати 753,6 триллион сўмни ташкил этди. Бу 2023 йилга нисбатан 7,7 фоиз кўп демакдир. Бундай ўсиш янги ички маҳсулотдаги улуши 20,2 фоизга оlib чиқди. Инвестициялар таркибидagi улуш эса 29,3 фоизга етди. Бу рақамлар иқтисодиётдаги аниқ жараёнларни ифода этади.

Сунгги таҳлилларда саноат ривожининг худудий манзараси аниқ кўрсатилди. Макроиктисодий ва худудий тадқиқотлар институти томонидан 2024 йил учун ишлаб чиқариш саноатининг диверсификация ва рақобат устуңлиги рейтингини эълон қилинди. Унга кўра Тошкент шаҳри, Фарғона ва Наманган

вилоятлари юқори даражада диверсификация қилинган. Бу худудларда саноатнинг кўплаб тури мавжуд. Улар нафақат ички бозорни тўлдирди, балки ташқи бозорда ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу худудлардаги ишлаб чиқариш тармоқлари рақобатбардорлик, технологик янгиланиш ва инновацияларга очиқлиги билан ажралиб туради.

Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм каби вилоятлар эса ўртача даражада диверсификацияланган худудлар сирасига қиради. Бу худудларда саноат салоҳияти бор, лекин унинг тўлиқ очилиши учун хали ҳам қўллаб-қувватлов ва давлатнинг мақсадли сиёсати зарур. Мазкур вилоятларда саноат тармоқлари кўп бўлмас-да, тез ривожланиш салоҳиятига эга. Бундай худудлар билан ишлаш инновацион инфратузилмани жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кредит, субсидия ва экспортга чиқишдаги имтиёзлар билан қўллаб-қувватлаш самарали бўлади.

Энг катта муаммо паст даражада диверсификацияланган худудларда — Жиззах, Наманган, Бухоро, Андижон вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонда кузатилади. Уларда саноат, асосан, бир ёки икки тармоққа боғланган. Бу эса уларни ташқи таъсирларга, масалан, нарх ўзгариши ёки экспортга талабнинг камайишига нисбатан таъсирчан қилади. Бундай худудларда саноатни ривожлантириш

учун комплекс ёндашув талаб этилади. Талим, кадрлар тайёрлаш, замонавий технологияларни жалб этиш, маҳаллий ресурслардан самарали фойдаланиш каби омиллар биргаликда ишлаши керак.

2024 йил натижаларига кўра айрим паст даражадаги худудларда ижобий ўзгаришлар кузатилди. Масалан, Қорақалпоғистонда саноат тармоқлари сони кўпайди. Мазкур худудда иқтисодий фаолилик ошгани, янги лойиҳалар жорий этилгани ва инвесторлар учун қулай муҳит яратилганидан далолат беради. Сурхондарё, Бухоро ва Андижон вилоятларида ҳам шунга ўхшаш ижобий динамика кузатилади. Бу эса саноатни ривожлантириш борасидаги ишлар самара бермоқда деган хулосага олиб келади.


Саноатдаги худудий мувозанат фақат иқтисодий ривожланиш масаласи эмас, балки ижтимоий барқарорлик, худудлар ўртасидаги фарқни камайтириш ва аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Айнан саноат тармоқларининг худудларда тенг ва самарали ривожланиши орқали мамлакатда ижтимоий адолатни таъминлаш, ички меҳнат бозорига диверсификация ва миграция оқимини оптималлаштириш мумкин.

Саноат фақат иқтисодий ўсиш воситаси эмас, балки мамлакатнинг геосиёсий ва геоиқтисодий рақобатбардорлигини белгилайдиган стратегик соҳадир. Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг кенгайиши импортга қарамликни камайтиради, миллий валютанинг барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатади ва технологик мустақилликни таъминлайди.

Ўзбекистонда саноатни тубдан ривожлантириш ва худудий салоҳиятни тўлиқ ишга солиш иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг энг ишончли йўлидир. Ҳар бир худуд ўзининг ноёб ресурслари, географик жойлашуви ва кадрлар салоҳиятига эга. Ушбу имкониятлардан оқилона фойдаланиш, худудлар ўртасидаги иқтисодий нотааносибликни бартараф этиш ва рақобатбардор саноат тармоқларини шакллантириш орқали “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида кўзланган мақсадларга муваффақиятли етиб бориш мумкин.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Маълумотларга кўра, 2030 йилга бориб Ўзбекистонда 117 миллиард киловатт-соат, 2035 йилда эса 135 миллиард киловатт-соат электр энергияси талаб этилар экан. Бу ҳозирги талабдан қариб 2 баробар кўп. Шу боис, мамлакатимизда янги электр станциялари ва энергия сақлаш тизимларини қуриш бўйича катта лойиҳалар амалга ошириляпти.



## ЕРДАН БАРАКА ТОПАЁТГАНЛАР

Хусусан, кейинги саккиз йилда электр ишлаб чиқариш ҳажми 38 фоиз ошиб, 81,5 миллиард киловатт-соатга етди. Эътиборлиси, хусусий секторга кенг йўл очилгани боис, 11,2 гигаваттлик қўшимча қувват яратилди. Аниқланишича, ижтимоий муассасалар, масалан, мактаб, шифохона кабиларнинг қозонхонаси янгиланса, “яшил” энергия маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Тадбиркор хизмат турларини кенгайтириб, иситиш қозонлари, қурилиш-пардозлаш маҳсулотлари, замонавий эшиклар ишлаб чиқариляпти. Шу вақтга бундай маҳсулотлар бошқа жойлардан олиб келинади. Бу каби

балки иш билан таъминлаш масаласи ҳам ечимини топмоқда. Жорий йилда 7 ва 5 қаватли 24 та уй қурилиши белгиланган. Ушбу ишлар якунлангандан сўнг 812 та хонадон фойдаланишга топширилади, — дейди Беруний тумани ҳокими ўринбосари Қасрамон Қашанов. — Шунингдек, Тўқимачи маҳалласидаги “Олтин саодат асри” корхонасида қурилиш ва маийш маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Тадбиркор хизмат турларини кенгайтириб, иситиш қозонлари, қурилиш-пардозлаш маҳсулотлари, замонавий эшиклар ишлаб чиқариляпти. Шу вақтга бундай маҳсулотлар бошқа жойлардан олиб келинади. Бу каби

худудларга бириктирилган фитосанитар назорат давлат инспекторлари томонидан мониторингдан ўтказилган. Урганишлар натижаси “Е-Flto” дастуридаги “Дала назорати” платформасига тўлиқ киритилиб, рўйхатга олинган, — дейди Беруний тумани фермерлар кенгаши раиси Улғунбек Бабаниязов. — Бу кўчатларнинг ривожланиши, парваришида эътибор бериш керак бўлган жиҳатларни ўз вақтида назорат қилиб бориш имконини беради. Бундан ташқари, туманимиздаги намунали фермер хўжаликлари ҳақида ҳам айтиш керак. Масалан, “Озод интенсив боғ” фермер хўжалиги боғдорчиликка ихтисослашган. Ушбу хўжалик 25 гектар майдонга эга. Бу ерда, асосан, экспортбўй мевалар етиштирилади. Хусусан, 7 гектарда олма, 3 гектарда ўрик, 1 гектарда шафтоли экилган. Шунингдек, 1 гектар интенсив боғ ва 40 сотих жойда иссиқхона барпо этилган. Иссиқхонада бодринг етиштириляпти. Андижонлик тажрибали томорқачилар бодрининг эртагишар ва серхосли навини етиштирмоқда. Тажрибасини маҳаллий аҳоли билан ўртоқлаляпти. Ушбу иссиқхонадан августга ҳар кун 800 килограмдан 1 тоннагача ҳосил олинади.

“Озод интенсив боғ” фермер хўжалигида наманганлик миришкорлар ҳам меҳнат қилмоқда.

— Тажриба сифатида ушбу боғдаги 2 гектарда қовун-тарвуз эқдик. Қовуннинг гурвак навини танлаганмиз. Мақсад экспорт қилиш. Қовун-тарвуз кўчатларини иссиқхонада етиштирганмиз, — дейди наманганлик деҳқон Миржалол Давлаталиев. — Ерни боқсанг, ер сени боқадиган нақлга амал қилиб, бу йилги ҳосилдан катта натижа кутишимиз. Қорақалпоғистон шароитида деҳқончилик қилиш анча қийин. Шунга қарамай, шароитга мослашишга ҳаракат қиламиз. Водий тажрибаси асосида қишлоқ хўжалиги йўналишида юқори натижага эришмаси деб ўйлайман. Бунда маҳаллий деҳқонлар билан ҳамкорлик самара беради, албатта.

Ушбу туманда кўзга қўринган, бошқаларга намуна бўлаётган деҳқонлар кўп. Масалан, Умар Машарипов ҳар йили томорқачилар аниқлиги даромад олади. Узумчилик, картошка етиштириш ва боғдорчилик сирларини чуқур эгаллаган Машарипов Аитов ҳам бошқаларга намуна бўляпти. Уларнинг иши Ўбстон маҳалласи тажрибаси сифатида Қорақалпоғистонда кенг оммалаштирилган. Энди ушбу тажриба янада кенг қўлчи эшиш учун қўллаб хонадон ва маҳалларда тарғиб этилмоқда.

Беруний туманида деҳқончилик, боғдорчилик ва томорқачилар даромад олиш бўйича шакланган ён тажриба эътиборга лойиқ. Агар шундай ёндашув барча шаҳар ва туманда жорий этилса, аҳолининг даромад манбалари кенгайиб, янги иш ўринлари очилади ҳамда турмуш даражаси янада юксалади.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

## ТАРАҚҚИЁТ СИРИ — МЕҲНАТСЕВАРЛИК, САБР-ТОҚАТ ВА ЗУККОЛИК

Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги муҳим соҳалардан бири чорвачилиқдир. Ҳеч шубҳасиз, гўшт, сут, тухум каби бирламчи озиқ-овқат маҳсулотлари кундалик турмушимизда муҳим ўрин тутади. Шу боис, жорий йил 16 июнда Президентимиз амалга ошириляётган ислохотлар натижадорлиги, худудларда ишларнинг бориши, аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мутасаддиларга гўшт, сут, парранда гўшти ва тухум нархи кескин ошишининг олдини олиш вазифасини қўйди.

Дарҳақиқат, бу борада бажарилши керак бўлган ишлар, ечимини кутаётган масалалар бор. Шу ўринда сунгги йилларда юртимизда чорвачилиқ борасидаги ислохотлар ижобий натижа бера бошлаганини ҳам эътироф этиш зарур. Масалан, аҳоли хонадонларида чорвачилиқ, паррандачилик ва асаларчилик фаолияти йўлга қўйилмоқда. Бунга давлат субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратилди.

Улар оилаларни камбағалликдан чиқаришда ҳам кўл келмоқда. Аввалдан чорвадор бўлган халқимиз бунга катта қизиқини билдираётди. Демак, чорва моллари сонини кўпайтириш, сифатли гўшт етиштириш ҳажминини ошириш учун наслчилик соҳасини ҳам тақомиллаштириш зарур.

Сурхондарёда чорвачилиқ қадимдан ривожланган. Вилоят аҳли бу борада ўзига хос тажрибага эга. Бугун эса соҳа замонга мос равишда янгича қиёфа касб этиб бормоқда. Бунинг қўйидаги маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Охириги беш йилда чорвачилиқ субъектлари сони 1171 тадан 1319 тага етказилди. Ҳозир мавжуд 14 та бўрдоқчилик хўжалигида 3,2 минг бош қорамол боқилмоқда. Уларда йилга 1,8 минг тонна гўшт етиштирилади.

— Вилоятда қорамол сони 2024 йилда 1 миллион 90 минг, қўй ва эчки сони 2 миллион 648 мингга эди. Парранда сони 5,4 миллионга ташкил этди. Ўтган йилнинг ўртача 220 минг тонна гўшт, 974,3 миллион тонна сут ва 590,3 миллиард дона тухум бозорга чиқарилган, — дейди Сурхондарё вилояти Ветеринария ва чорвачилиқни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Абдулла Юсупов. — Шунингдек, хўжаликда наслчилик ишлари ҳам тўғри ташкил этилган. Масалан, гўшт йўналишида тез етилувчан қорамол зотларини янада кўпайтириш чоралари белгилаб олинган.

Таҳлилларга кўра, маҳаллий қорамолларда сўт маҳсулдорлиги лактация даврида 2800-3000 литрни ташкил қилган. Наслчилик хўжаликларига эса бу кўрсаткич деярли 2 баробар юқори. Шунинг ўзиёқ наслчиликка янада



кўпроқ эътибор бериш кераклигини кўрсатади. Чунки бундай самарадорлик натижасида кўзланган мақсадга тезроқ эришиш мумкин.

Айни сабаб тўғрисида вилоятда зотли молларни кўпайтиришга жиҳдий эътибор бериляпти. Хусусан, 2019 йилда барча тоифа хўжаликларига 120,1 минг бош ситир сунгий уруғлантирилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 243,6 минг бошга етказилган. Чорвани сунгий уруғлантиришнинг афзалликлари

кўп. Бунинг кейинги вақтларда оддий аҳоли яхши англаб борапти. Зеро, мазкур тажриба нафақат фермер хўжаликларига, балки аҳоли хонадонларида ҳам кенг таъбиқ этиляпти.

Жарқўрган тумани Обихаёт маҳалласидаги хонадонларда жами 2300 бошдан зиёд қорамол боқилади. Маҳаллада майда шохли моллар 4800 бошни ташкил этади. Шу манзилда жойлашган МЧЖга ҳам тадбиркор томонидан Австриядан дастлаб 190 бош

насли қорамол олиб келинган эди. Ҳар 100 бош насли ситирдан 85-86 бош бузоқ олиниши натижасида уларнинг сони сезиларли кўпайди. Шунингдек, хўжаликда наслчилик ишлари ҳам тўғри ташкил этилган.

Кўлаб ривожланган мамлакатларда ки-чик ва ўрта микёсдаги чорвачилик хўжалик-лари асосий озиқ-овқат базаси ҳисобланади. Уларнинг тажрибасига кўра, агар ҳар бир хонадон ўзига керакли сут, гўшт ёки тухумни ўзи ишлаб чиқарса, бу нафақат маҳсулот нархини пайсаятиради, балки қишлоқ жойларда ишсизлик даражасини сезиларли камайтиради. Сурхондарё вилоятидаги юзлаб хонадонларда ҳам чорвачилик самарали йўлга қўйилган. Айни пайтда воҳода кўплаб оилалар, хусусан, ёшлар чорвачилик билан шуғулланиб, даромад топмоқда. Хусусан, эчкичилик, қорамолчилик, қуёнчилик, парранда етиштириш каби йўналишлар ҳам ҳаражат билан бошланган, тезда даромад келтирувчи фаолият турига айланб улгурди.

Бир мисол. Шўрчи туманининг Совуртепа маҳалласида яшайдиган Искандар Донаев аввалга хонадонда атиги икки бош қорамол билан иш бошлаган эди. Бериляётган имтиёзли кредитлар, ветеринария хизматлари қўлла-йига ва бозор талаби ортиб бораётгани сабаб у фаолиятини кенгайтиришга муваффақ бўлди. Ҳозир ишбилармон 20 бош ситир ситир боқиб, кунига ўртача 150-180 литр сут соғиб олмақда.

— Чорвачилик билан шуғулланиш учун катта ферма бўлиши шарт эмас. Меҳнатсе-варлик, сабр-тоқат ва давлатимиз томонидан бериляётган кўмаклар орқали ҳар бир оила соҳада муваффақиятга эриша олади, — дейди Искандар Донаев. — Биздек тадбиркорларни вилоятимизнинг турли худудига учратиш мумкин.

Вилоят ҳокимлиги маълумотига кўра, худудда қорамол боқиш йўналишида яқин йил-ларда умумий қиймати 214,1 миллиард сўмга тенг 26 та лойиҳа амалга оширилади. Бунинг учун хориждан 6117 бош зотдор қорамол олиб келинади. Қолаверса, 437 та янги иш ўрни яратилади. Натижада йилга қўшимча 16 минг тонна сут ва 618 тонна гўшт ишлаб

чиқариш йўлга қўйилади. Чорвачилиқни янада ривожлантириш мақсадида соҳага алоқадор тажрибали хорижлик мутахассислар вилоятга жалб қилинапти.

— Сурхондарё вилоятига келиб, кўпгина чорвачилик хўжаликларига бўлдим. Чорвачилик истиқболлари билан яқиндан танишдим. Чиндан ҳам юртингизда бу йўналишда катта ислохотлар кечмоқда, — дейди “Иқлим ўзгаришига мослашувчи чорвачилиқни ривожлантириш” дастури масъули, германиялик мутахассис Антон ван Енгелен. — Дастуриимизнинг асосий мақсади чорвани идентификация қилиш бўйича мутахассислар малакасини ошириш, чорвачиликда наслчиликни ривожлантириш ва сунгий уруғлантиришни тизимли ташкил этишдир. Қолаверса, турли фойдали минерал, витаминларга бой озуқа етиштириш бўйича амалий лойиҳалар доирасида ишлаялмиз.

Тан олиш керак, муайян вақт кўпгина соҳалар қаторида чорвачилик ҳам илмий мактабда узулиш кузатилади. Дунё техник тараққиётга эришаётган, барча йўналишда катта ва жиддий илмий-амалий ишлар бажариляётганда ўз қобилигимизга ўрналиб қолган эдик. Ушунинг даврининг оғир синовида келинган ҳам бу борада жиддий ўзгариш қилишни кечиктирдик. Ҳозир буларнинг сабабини муҳокама қилмоқчи эмасмиз. Демократизми, бугун ана шу йўқотилган вақт ва имконият ўрнини қисқа муддатда қоплашга уринаямиз. Айни пайтда хориж тажрибасини ўрганиб, насли молларни кўпроқ олиб келаямиз. Яқин-яқингача нафақат оддий аҳоли, ҳатто катта тажрибали фермерлар ҳам хориждан келтирилган молларни боқишга ботина олмасди. Илмий ўрганишларимиз, турли тажрибалар орқали Ўзбекистон шароитига тез мослашадиган зотларни бўлиб олдик. Уларни боқиш сир-синоинини пухта ўзлаштириб, иш унумдорлигини кескин оширдик. Буларнинг барчаси соҳага қаратилган эътибор, туб ислохотлар самарасидир.

Сарвар ТЎРАЕВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

# МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ҚАШҚАДАРЁ ТАЖРИБАСИ

Бугун Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, тарихий тараққиётнинг янги босқичига ўтди. Бу босқичнинг пойдевори илм, маърифат ва инновациядир. Юртимиздаги ислохотларнинг ўзагида инсон манфаатларини юксалтириш, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлаш ва ҳар бир ҳудуднинг бой салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган эзгу мақсад мужассам.



Азиз МЕЛИБОЕВ, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги масъул ходими

Қашқадарё вилоятида кечаётган кенг қамровли ўзгаришлар эса мазкур сисемнинг амалдаги ёрқин намунасидир. Президентнинг раислигида Қашқадарё вилоятини комплекс ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган йилги вилоятни ҳар томонлама юксалтириш, аҳолини барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, камбағалликни камайтириш ҳамда замонавий таълим тизимини шакллантириш бўйича аниқ ва устувор вазифалар белгилаб берилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан Қашқадарё вилояти мисолида илмий таҳсил ва амалий ечимлар уйғунлигида яратилган чора-тадбирлар дастури ҳудудий ривожланишга янги суръат бахш этиши кутилмоқда.

Мақсад аниқ — юқори натижаларга олиб келувчи, самарали ва барқарор ривожланишни таъминлаш. Шу йўлда “олийгоҳ — корхона — ҳудуд” тамойили негизда университетлар, маҳаллий ҳокимлик ва ишбилармон доиралар ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилмоқда. Вазирлигимиз томонидан Қашқадарё вилояти мисолида ишлаб чиқилган, ҳудудий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, илмий ёндашув асосида тайёрланган амалий чора-тадбирлар дастурида ҳар бир ҳудуд учун алоҳида ёндашув, юқори натижаларга эришишга қаратилган мақсадли стратегия белгиланди.

Қарши давлат университети ва Қарши давлат техника университети профессор-

ўқитувчилари томонидан Муборак туманида амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар илм билан амалиёт уйғунлигининг ёрқин ифодасидир. Мазкур тадқиқотлар нафақат академик доирада, балки жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишда ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Тадқиқотлар жараёнида тупроқ ва сувнинг таркибий таълими, аҳоли саломатлиги ҳолати ва экологини яхшилаш бўйича кенг қамровли илмий-амалий изланишлар қилинди. Бунда магистр ва докторантлар учун махсус тажриба майдонлари белгилаб, уларнинг илмий етуқлиги ва амалий маҳоратини оширишга кенг имконият яратилди.

Давлатимиз раҳбари Қашқадарёга ташрифи чоғида олий таълим тизимига яна бир масъулиятли вазифа юклатди. Хорижда меҳнат қилаётган қашқадарёликлар юқори даромадли ишлар билан банд бўлиши учун Қарши давлат университетида камиди 100 ўқитувчининг немис, япон, корейс тили бўйича малакасини ошириш, камиди 10 миң одамни хорижий тилга ўқитиш, хорижда кам даромад топаётган фуқароларимизни ўзимизда ишли қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб берди.

Бундай ташаббуслар туманининг муаммоларига аниқ ечим топишда ҳам муҳим қадам бўлмоқда. Айниқса, “яшил” энергетикани кенг жорий этиш орқали аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Жумладан, Муборак туманининг оғир тирофадаги маҳаллаларида экологик тоза электр энергияси манбалари — қуёш коллекторлари орқали “Яшил хонадон” лойиҳаси амалга оширилди. Унга кўра, вакуумли қуёш сув иситкичлари ўрнатилди ва хонадонлар қуёш нуридан самарали фойдаланишга ўтказилди. Натижада табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш таъминлини, оилавий харajatларни сезиларли даражада қисқартириш имкони яратилмоқда.

Масалан, бир хонадонда йил давомида ўртача истеъмол қилинган 766 киловатт-соат электр энергияси учун (1 кВт-соат учун 450 сўмдан ҳисоблаганда) 344 миң 700 сўм, тармоққа узатилган 1394 киловатт-соат электр энергияси учун (1 кВт-соат — 1000 сўм) 1 миллион 394 миң сўм, жами 1 миллион 738 миң 700 сўм маблаг тежалди.

“Яшил хонадон” лойиҳаси доирасида қуёш энергияси асосида ишлайдиган сув иситиш тизимлари жорий этилиб, аҳоли турмуш шароити яхшиланимоқда. Муборак туманида қуёш нурунинг юқори интензивлигини ҳисобга олган ҳолда лойиҳа доирасида ҳар бир



Муносабат

Қасбий таълимда замонавий технологиялардан фойдаланмасдан туриб, рақобатбардош мутахассис тайёрлаб бўлмайди. Шу боис, юртимизда қасбий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларни илгор ускуна ва рақамли технологиялар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

хонадонда яшовчи 4 фуқаро учун кафолатли равишда ҳар бирига камиди 50 литрдан (харорат 50-60 даражада бўлган) иссиқ сув тақдим этиш имкони яратилди.

Бугунги замон таълим тизими олдида рақобатбардош мутахассислар — жамиятдаги долзарб муаммоларга илмий ечимлар тақдир қила оладиган, экологик онги юқори, барқарор ривожланиш тамойилларини англаган ёшларни тарбиялаш вазифасини қўймоқда.

Бу борада Қарши давлат техника университетида Илгор муҳандислик мактаби ҳамда Муҳандислик илмий ишлаб чиқариш марказини ташкил этиш ишлари бошланди. Илгор муҳандислик мактаби истиқболли бунёд этадиган билим маскани бўлиб, у ерда назарий билимлар мустаҳкамланиди, ишлаб чиқариш билан боғлиқ, рақобатбардош ечимлар яратилади. Ушбу мактабда талабалар илмий гояларини амалиётга жорий этиш имкониятига эга бўлади, лойиҳаларини ҳаётга таъбиқ қилади.

Муҳандислик илмий ишлаб чиқариш марказида эса илмий гоялар чинакам буюмга, янги ихтирога, тижоратбоп маҳсулотга

айланади. Муҳандислар, ёш ихтирочи ва тадқиқотчилар учун қулай муҳит, замонавий ускуналар, рақамли технологиялар билан жиҳозланган лабораториялар яратилади.

2025 йил якунига қадар вилоятдаги олий таълим, илмий ва қасбий таълимнинг фаолият юритиб келаётган 300 нафар профессор-ўқитувчи ва илмий ходимини етакчи халқаро илмий-тадқиқот марказлари ҳамда нуфузли университетларга юбориш режалаштирилган. Ўқитувчи ва олимларимиз АКШ, Германия, Япония, Жанубий Корея, Буюк Британия, Хитой каби илгор илмий мактабларга эга давлатларда малака ошириш, илмий изланишлар қилиш ва кенг қамровли ҳамкорлик лойиҳаларида иштирок этиш имкониятига эга бўлади.

Шу орқали юртимиздаги олий таълим ва илмий фаолиятнинг халқаро миқёсдаги нуфузи янада ортади, ёшларга замонавий билим бериш имкониятлари кенгайди. Шунингдек, хориждан қайтган мутахассислар ўз соҳасида етакчи тажрибаларини жорий этиб, илмий муҳитни фаоллаштириш, замонавий технологиялар асосида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади.

Вилоятда қасбий таълим тизимини меҳнат бозори талаблари билан чамбарчас боғлаш мақсадида дуал таълимни кенг жорий этиш бўйича қатъий қадамлар ташланмоқда. Ҳамкорликнинг янги модели ўқувчи, таълим муассасаси ва иш берувчи ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаб, соҳаларни ҳақиқий касб эгалари билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда биргина Қашқадарё вилояти техникумларида дуал таълим шаклида касб ўрганиш учун таълим олишга қўшилган 3 миңдан 10 миң нафаргача оқиш кутилмоқда. Бу эса ўтган йилги кўрсаткичдан 6 баробар ўсишни аниқлаган. Яъни Қашқадарё ёшлари замонавий касблар билан амалий асосда таълим олиш, меҳнат бозорида ўз ўрнини топиш ва келажакда муваффақиятли мутахассис сифатида шаклланиш учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.

Янги ўқув йили вилоятдаги қасбий таълим соҳаси учун тамомил янги босқични бошлаб беради. Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари, Ғузор, Косон ва Чироқчи туманларидаги 6 та техникумда халқаро стандартларга мос таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш бошланади. Хусусан, “Металлар технологияси” ва “Био ва иншоот қурилиши” йўналишлари бўйича Германиянинг “Авестос” компанияси билан ҳамкорликда немис таълим модели жорий этилиб, 192 нафар иқтидорли ёш ўқишга қабул қилинади.

Халқаро таълим дастурлари географияси янада кенгайтирилган ҳам эътиборга молик. Ғузурдаги политехникумда Буюк Британиянинг нуфузли “Пирсон” (Pearson) компанияси билан йўлга қўйилаётган ҳамкорлик, айниқса, диққатга сазовор. “Пирсон” — бутун дунёда эътироф этилган таълим бренди, у замонавий, интерфол ва амалий кўникмаларга йўналтирилган ўқув дастурлари орқали талабаларни фақат назарий билим эмас, балки ҳаётга тайёрлайдиган, мустакил фикрлайдиган мутахассис қилиб етиштиришга қаратилган. Таълим жараёнида ўқувчилар билим ва малакаси халқаро сертификатлар асосида баҳоланади ва халқаро даражада тан олинади. Бу эса ёшларга ҳам миллий, ҳам халқаро меҳнат бозорида ўз ўрнини топиш имконини беради.

Қасби туманидаги политехникумда эса Беларуснинг тажрибали мутахассислари иштирокида техник йўналишлардаги дастурлар жорий этилади. Бу ерда амалий таълим, технологиялар билан ишлаш кўникмаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қасбий таълимда замонавий технологиялардан фойдаланмасдан туриб, рақобатбардош мутахассис тайёрлаб бўлмайди. Шу боис, юртимизда қасбий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларни илгор ускуна ва рақамли технологиялар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Корея Республикаси банки билан амалга оширилаётган “Қасбий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш” лойиҳаси бу йўналишдаги муҳим халқаро ҳамкорлик намунасидир.

Лойиҳа доирасида республикамиз бўйича 32 та техникум замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланади. Умумий қиймати 3,5 миллион долларлик инвестиция ҳисобига имкониятлар янада кенгайди, таълим жараёни ривожини янги босқичга чиқаради.

2025/2026 ўқув йили Қашқадарё вилоятида таълим ва илмий соҳада янги марралар йили сифатида тарихга қиради. Чунки вилоятда олий ва қасбий таълим тизимини ривожлантириш, фан ва инновацияларга йўналишда самарали ташаббусларни ҳаётга таъбиқ этиш борасида муҳим ислохотлар бошланди.

Йил давомида вилоятдаги 11 та техникумда кенг кўламли капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари режалаштирилган. Натижада таълим муассасалари замонавий талабларга жавоб берадиган, ҳар томонлама қулай ва самарали ўқув муҳитига эга бўлади. Бу эса ёшларимизнинг замонавий касб-хунар ва билим олишга янада кенг йўл очади.

Шу билан бирга, жорий йилда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига дахлдор долзарб муаммоларга ечим топишга қаратилган, амалиётга асосланган илмий тадқиқот ва инновацион лойиҳалар танловлари ўтказилиши кўзда тутилган.

Жорий йил декабрь ойига қадар Қарши давлат университети ҳузурида Халқаро лабораториялар марказини ташкил этиш режаси алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу марказ илмий тадқиқот фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, замонавий технологияларни ўрганиш ва жорий этишда муҳим платформага айлиниши кутилмоқда. Марказнинг халқаро аккредитациядан ўтказилиши эса унинг нуфузи ва ишонч даражасини янада мустаҳкамлайди.

Давлатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятига ташрифи мазкур сайёҳаракатларга янги суръат ва руҳ бағишлади. Президентимиз вилоятдаги олий таълим муассасалари, илмий марказлар ва таълим инфратузилмаси ҳолатини ўрганиб, келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб берди. Ташриф давомида берилган топшириқ ва тавсиялар таълим соҳасини ислоҳ қилишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, вилоятда бошланган янги амалий таъриба таълим, фан ва инновация соҳасини замон талаблари асосида ривожлантиришда муҳим пойдевор ҳисобланади. Бу таъриба, шубҳасиз, юртимизнинг барча ҳудудларида кенг қўлланилиши ва билимли, креатив, рақобатбардош авлодни тарбиялашга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Қашқадарё вилояти техникумларида дуал таълим шаклида касб ўрганиётган ўқувчилар сони 3 миңдан 10 миң нафаргача ошиши аниқлаштирилди. Яъни Қашқадарё ёшлари замонавий касблар билан амалий асосда таълим олиш, меҳнат бозорида ўз ўрнини топиш ва келажакда муваффақиятли мутахассис сифатида шаклланиш учун янги имкониятлар эшигини очмоқда.



# ТАЪЛИМДА СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК УЙҒУНЛИГИ

## Мулоҳаза

Ботир УСМОНОВ, Тошкент кимё-технология институти ректори, техника фанлари доктори, профессор



Бугунги кунда мамлакатимиз тараққиётининг асосий драйвери сифатида таълим самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим муассасаларининг такомиллашуви нафақат бугунимиз, балки эртанги кунимизнинг ҳам пойдеворидир. Тўғри таълим сифатини ўлчайдиган ягона ва универсал восита мавжуд эмас, бироқ муваффақиятли олий таълим маскани ўзига хос мезонлар билан ажралиб туради.

Учинчидан, институтда малакасини мунтазам ошириб борадиган, замонавий билим ва кўникмаларга эга малакали педагог кадрлар мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, таълим дастурларининг долзарблиги, кенг қамровли кутубхона фонди, компьютер ресурслари ва талабаларга билим олиш учун зарур бошқа ахборот манбалари етарлиги институт самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан саналади.

Сўнгги йилларда ҳукуматнинг таълим сифатини оширишга қаратаётган эътибори натижасида олий ўқув юртиларида илгор технологияларни жорий этишга, ижобий самараларга эришишга ёрдам берадиган замонавий ечимлардан фойдаланишга тобора кўпроқ ургу берилмоқда.

Ҳар бир таълим муассасасининг бош мақсади мамлакатни замон талабларига жавоб берадиган малакали мутахассислар билан таъминлашдир. Бу мақсадга эришиш йўлида қатор тўсиқларни бартараф этиш талаб қилинади. Хусусан, ўқув жараёни учун маълумотларнинг мунтазам янгиланиб бориши, аудитори соатларини оптималлаштириш ва талабаларни тайёрлашда ягона стандартларга риоя қилиш зарурати шулар жумласидан. Шахсий қобилияти ва қизиқилиши ҳисобга олган ҳолда талабани ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яъни ўқитувчи таълим жараёнини ва талабалар билан мулоқотни бу хусусиятларни инобатга олган ҳолда ташкил этиши лозим. Бунга эса таълим жараёнида автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш орқалиги муваффақиятга эришиш мумкин. Бундай тизим ҳар бир талабага индивидуал ёндашуви қўллаш, ўзлашти-



ришни назорат қилиш ва юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга ёрдам беради.

Олий таълим муассасаси фаолиятининг муҳим кўрсаткичларидан бири профессор-ўқитувчилар таркибининг малакаси, илмий рўйхатида киритилган сони ва уларнинг илмий наشرлари иқтибос индекси юқорилиги ҳисобланади. Ходимлар салоҳиятини ривож-

лантириш бўйича ишларни самарали ташкил этиш учун институт раҳбариятига қатор имкониятлар зарур. Буларга мавжуд бўлимлар бўйича ҳар қандай долзарб ҳисоботни (масалан, ёш мутахассислар сони, Олий аттестация комиссиясининг мажбурий наشرлари рўйхатида киритилган наشرлар) теъзорлик билан олиш қиради. Шунингдек, ходимларнинг исталган даврдати илмий фаолиятига

Институтда босқичма-босқич ягона ахборот макони яратиб борилмоқда. Бу талабага ўз вақтида жавоб қайтаришга ва олий таълим муассасаси белгилаган мақсадлари билан номувофиқ бўлган нуқсонларни бартараф этишга ёрдам беради.

Бу, аввало, институтнинг аниқ белгиланган мақсадлари ва ривожланиш режалари ҳар бир ходим учун шаффоф ва тушунарли бўлишидир. Иккинчидан, ўқув даргоҳидаги яхлитлик бу — барча бўлимлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик, шунингдек, ўқитувчилар ва талабалар ўртасидаги очиқ мулоқот

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



ЖУРНАЛИСТНИНГ РОСТ СЎЗИ

АДОЛАТ ВА ҲАҚИҚАТ ЖАРЧИСИ БЎЛИШ ҚУДРАТИ

Ўзбек кино ижодкорлари суратга олган бир фильм бор. Номи: "Тилим курсин". Юмор орқали инсон тийнатиининг нозик жиҳатлари очиб берилган. Сюжетга кўра, ертўлада узок муддат сақланган куруқ чойни ичган одам муайян муддат беихтиёр фақат рост гапиради. Тили бошқаю дили бошқа эканини намоён қилаверади.

Ҳар бир жумла устида ишлаш азобини бошдан ўтказган одам яхши англайди. Яқинда ижтимоий тармоқларда устоз журналистлардан бирининг ҳазилнамо, аммо аччиқ ҳақиқат акс этган фикрига кўзим тушди. У тахминан бундай ёзганди: "Бир муаммоли мавзунини кўтариб чиқдим. 20 та лайк босилди. Бир қийналган ҳамкасбимизга ёрдам керак деб пост қўйдим. 32 киши муносабат билдирди. Ҳовлимдаги ўзим парваришлаган гулларни суратга олиб жойлаштирдим, 250 дан кўп оқшолди. Уйлаб турибман: журналистикани йиғиштириб, гулчилик билан шугуллансаммикан..."

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Журналист — ўша сеҳрли чойни ичса ҳам, ичмас ҳам бир хил гапирариши керак бўлган касб эгаси. Унда мазкур кўникма шаклланган бўлмоғи лозим. Журналистнинг ёлгон гапирариши, сохта маълумот тарқатиши, жамоатчиликни чалғитишга ҳаққи йўқ. XXI аср — ахборот асри! Журналистиканинг роли ниҳоятда катта. Жамият ҳаётидаги муҳим воқеа-ҳодисалар, одамлар манфаатига дахлдор масалаларни ёритишда журналистларнинг ўрни ва масъулияти беқиймас. Айниқса, "журналистнинг рост сўзи" деган тусушча нафақат касбий этика асоси, балки жамият ишончи ва адолат мезони ҳамдир.

Шу боис, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни миллий манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда, тезкор ва чуқур таҳлиллар асосида ёритиб бориш ўта муҳим деб ўйлайман. Шунингдек, бугунги кунда ёлгон ва асоссиз маълумотларни тарқатиш орқали одамларни алдаш, тўғри йўлдан чалғитиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани аҳолининг медиа саводхонлигини оширишни олдимизга кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўймоқда. Ахборот майдонида юзага келаятган баҳсли тортишув ва муаммолар фақат ва фақат қонун доирасида, ҳуқуқий меъёрлар негизида ҳал этилиши керак.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Жаббор Раёқов умрини матбуотга бағишлаган. Сўхбатларнинг бирида у бундай деди: "Давлатимиз раҳбари журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган. Улар учун шароит ва имкониятлар яратиб берилган. Ана шундай бир пайтда журналистлар ҳам бундай эътиборга лойиқ бўлиши керак. Журналист халқ фидойиси, адолат ва ҳақиқат жарчиси, маънавият тарғиботчиси, шу билан бирга, ватан тарихини яратувчи эканини унутмаслиги керак. Агар соҳа вакиллари сўст бўлса, дунёдаги воқеалардан беҳабар қолади. Тарих саҳи-



Журналист халқ фидойиси, адолат ва ҳақиқат жарчиси, маънавият тарғиботчиси, шу билан бирга, ватан тарихини яратувчи эканини унутмаслиги керак. Агар соҳа вакиллари сўст бўлса, дунёдаги воқеалардан беҳабар қолади. Тарих саҳифаларига бугунги улкан ўзгаришлар, уларнинг асл бунёдкорлари киритилиши керак.

Рост билан ёлгон сўз ўртасидаги фарқ жуда катта: рост сўз одамларни уйғотади, яхшиликка ундайди, адолатли тиклайди. Ёлгон эса аксинча — адаштириб, фитна чикаради, ишончнинг йўқотилади. Аммо жаҳон амалиётида ҳақиқатни ёритиш доим ҳам осон бўлмаган. Баъзан журналистлар хавф-хатарга дуч келади, турли таъзияларга учрайди. Шундай шароитда ҳам журналистнинг матонатини, ватанпарварлигини ва касбий фидойилигини намоён қилади. У рост сўз учун курашади, халқ манфаатини ҳимоя қилади.

— Журналист рост бўлса, жамият соғлом бўлади, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ахрор Аҳмедов. — Чунки ахборот — жамият кўзгуси. Агар кўзгусоф бўлса, одамлар ҳақиқатни кўради, чалқашмай, тўғри йўл танлай олади. Шу боис, ҳар бир журналист бурчига сидқидилан ёндашиши, рост сўзини ҳаётини қондасига айлантириши лозим.

Қисқаси, журналистнинг рост сўзи нафақат касбий масъулият, балки жамият учун ишонч ва демократик назоратга хизмат қилувчи муҳим жиҳатдир.

Нодир МАҲМУДОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

фаларига бугунги улкан ўзгаришлар, уларнинг асл бунёдкорлари киритилиши керак. Уларсиз тарих кемтик бўлиб қолади. Шу маънода, матбуотнинг, айниқса, босма нашрларнинг келажакка хизматчи алоҳида".

Фидойи журналист бўлиш учун иштиқнинг ўзи етарли эмас. Иштиқ керак, лекин истеъдод туғма бўлса, етук билим, тажриба ва маҳорат билан уйғунлашса, кўзланган мақсадга осон эришилади.

Ҳозир қалам ҳақи берадиган таҳририятлар санокли қолган. Ижод аҳли эса, қанчалигидан қатъи назар, қалам ҳақи маоддан ҳам ширин бўлади деган гапнинг шайдоси. Шу йил аввалида баъзи фидойи ҳамкасбларимиз газеталарда чиққан мақола-ларини учун берилган қалам ҳақига китоб сотиб олиб тарқатиш ташаббусини илгари сурди. Саъй-ҳаракатлар бошланганини эшитгач, касбимдан, касбдошларимдан фахрландим. Буни фақат олижаноблик деб баҳолаш мумкин. Журналистлар бой бўлмайди дейишади. Бадавлати йўқ соҳа вакилларининг бундай қўли очкиғи эса ҳар қандай тахсинга лойиқ.

Соҳа даргалари кўп тақрорлайдиган бир гап бор: "Журналистиканинг нони қаттиқ!". Бу иборанинг асл моҳиятини кундалик излашни, ўрганиш, таҳлил қилишдан ташқари ҳар бир сўз,



Миллат Фидойилари

"Бор, болам, борақол, ватанни ҳимоя қил..."

Одатдагидек ишга эрта келган Тошбиби опа бирдан тозалikka киришди. Қўлига супурги олиб, хоналарни бирма-бир супуришга тушди. Шифокорлар келишидан олдин ҳамма жойни саришта қилиши керак. Ахир бу ерга одамлар даво истаб келади. Қишлоқ врачлик пункти деган номи бор. Тозалик биринчи ўринда бўлиши лозим. Ўзича ҳаёл билан катта шкафни артаркан, унинг ортида ётган нарсаларга кўзи тушди. Эски, чанг босган китоб экан. Қўлига олиб, китоб юзини артди. Сарғайиб кетган. Муқовасида "Ўткан кунлар" деб ёзиб қўйилган. Бадиий адабиётга қизиқиши боис, китобни varaқлашга тушди. Димоғига ёқимли қоғоз ҳиди урилди...



эшитишдан чўчиб, жимгина ортига қайтиб кетди. Отасининг бир аҳволда уйга кириб келганини кўрган тўнғич ўғил Озод аниқлик киритиш учун ўзи йўлга чиқди.

— Рости ўша кун бундай хабар эшитаман деб сира ўйламагандим, — дейди Озод Муҳаммадиев. — Мудофаа бўлимига борсам, кутиб ўтиришган экан. Тезда ичкарига олиб киришди. У пайтлари ҳозиргидек телефон йўқ эди. Қирсам, телефонограмма ни кўрсатишди. Унда "Отабек Муҳаммадиев Ватан сарҳадларини қўриқлашда қаҳрамонларга ҳалок бўлди", деб ёзиб қўйилган. Минг афсуски, ўқи-ганларим ҳақиқат эди. Шундан сўнг ота-онам неча вақтгача ўзинга келолмади. Анчадан бери бир мақсадимни амалга оширишга ботинолмай юргандим. Бир кун ҳарбий бўлиш истагим борлигини, укамнинг ишини давом эттироқчи эканимни айтдим. Рости, анча хавотирим бор эди. Шунда онам кутилмаган гапни айтиб, мени хайратда қолдирди. "Болам, укам ватанинг бир қарич ерини душманга бермаслик учун сену менинг, барчамизнинг тиқимизни ўйлаб жон берди. Унинг ўрни бўшаб қолмасин. Ахир юртга қалқон бўлган ҳар бир йигитнинг ўрнини тўлдир-радиган мардлар бўлиши керак. Менинг шероҳрак Отабегим ўлмаган. Бу давлатнинг отабеклари абади эканини душманлар кўриб қўйсин. "Мен Отабекман", дея чегарада тик тургин. Фарзандимга ўқ узган ўша ярамасни топиб, жазосини бер. Борақол. Бошинг тошдан бўлсин, болам". Бу сўзлар ҳамон кулгим остида жаранглаб туради. Ота-онамининг дуоли билан эгизимга ҳарбий либос кийдим. Шукрки, 12 йил шартнома асосида ишлаб, нафақага чиқдим. Ҳозир бир укам ва ўғлим бу касбини давом эттироқда. Ота-онам ҳар гапда укамнинг қаҳрамонлигини айтишдан чарчамасди. Набираларига ғурур билан уни афсонавий ботир қилиб тасвирлаб беради. Бу уларага энг асосий йопанч эди.

Ишини тугатиб, уйга келиши билан муталоага киришди. Шу ўтиришда "Ўткан кунлар"га сарҳат қила бошлади. Қаҳрамонлар билан бирга сарғу-загларини бошдан кечирди. Сўнгги саҳифани ўқиб тугатаркан, соат миллари эрталабки тўртдан ўтиб, аста-секин тонг ёришаётган. У анча вақтга қадар китоб таассуротини хаёлидан чиқаролмай юрди. Айниқса, Отабекнинг жароғати, ориятли экани қалбига ўрнашиб қолди. Бу орада иккинчи ўғли дунёга келди. Онласидагилар чақалоққа исм қидиришга тушганда Тошбиби ҳеч иккиланмай, уни Отабек деб аташни таклиф қилди. Бу бошқаларга ҳам маъ-қул бўлди.

Йиллар ўтиб, Аваз ака билан Тошбиби опа Отабекдан кейин яна бир ўғил, бир қиз кўрди. Фарзандларини ҳалол едириб, яхши тарбиялаб, вояга етказаркан, ота-онаси Отабек ака-укаларига қараганда анча тиришқоқ эканини англаб борарди. Айниқса, мактабдаги спорт мусобақаларида фарзандининг голиблар қаторинда жой олганини эшитиш улар учун жуда фахрли эди.

Ҳарбий йигитдан қизини сўраб келишганида бўлгуси қудалар ҳам йўқ демади. Ахир шундай мард аскарини кув ёкилиш фахр-ку. Розилик олинди. Тўй кунини белгилаш қолди, холос. Фақат Отабекнинг таътилга чиқишини куттиш лозим. Ўша кун келди. Ота-онаси шашганча тўйни бошлаб юборди. Бутун маҳалла яхши кунга қақирлиди. Узукка кўз қўйгандек ярашган икки ёшни табриқламаган, уларнинг бахтига ҳавас қилмаган киши қолмади. Гўё Тошбиби ая китобда ўқиган Отабек ва Кумуш образлари жонланган. Ҳар тон уларнинг бахтига кўз тегмасин дея дуо қилишдан чарчамасди. "Ўғлимни дам олиш кунлари тугаб, иши бошланмаган бўлса, келинимни ҳам бирга жўнатиб юбораман", дея ният қилиб қўйган.

Таътил кунлари якунланшига икки-уч кун қолганида Отабекнинг иш жойидан чақирув қоғози келиб қолди. Шошганча йўлга чиққан йигит ёрининг кўзидики ёшни кўрмаслик учун ортига бурилмади. Келинча сабрга суюнганча жим қолаверди. Хизмат тартиби қатъий. Бориб керак. "Тез қайтаман", деди-ку. Бу вақт деганлари кутган пайти тезроқ ўтаверса-чи. Ўтган ҳар дақиқа йилга, кун асрга тенглашиб бораверди. На хат, на хабар бор. Кўнлар тунларга уланди. Бир томонда ота-она, иккинчи томонда севиқли ёрини ниҳоқи йўлда. Эшик тиқ этса, кўзлар кўчага тикилади.

Сурхондарё вилояти Сариев тумани. Махсус топшириқ олиб, ўз вазифасига киришаркан, сержант Отабек Муҳаммадиев юрт чегарасини ёвуз ниёти кишилар бузиб ўтганидан алаҳқон хабардор эди. Тиш-тирноғича қуролланган бу малъунларни тезроқ йўқ қилиш лозим. Юртнинг эр йигитлари кўксини қалқон қилиб бўлса-да, ёвлар пайини қирқинишга тушган. Ҳар бир бўлимининг ўз вазифаси бор. Шу кунни терроичилар авж қилди. Уларга қарши курашаётганларга ёрдамчи куч зарур эди. Қўшимча куч сифатида сержант Муҳаммадиев гуруҳи юборилмаган бўлди. Махсус вертолёт орқали жўнаган ҳарбий гуруҳ жанг майдонида ҳаводан туриб, бир қанча душманни ер тиллашти. Тоғли ҳудуд бўлгани боис, айримлари тошлар орасига ташланди. Шундай бўлса-да, бирорисини қолдирмасликка ҳаракат қилинди. Дастлабки вазифа удалланди. Навбат — кейинги босқичга. Вертолёт ҳаракатини давом эттираркан, кутилмаган зарбадан қалқиб кетди. Ҳавода гир айлана бошлаган вертолёт ичи қора тутунга тўлган. Афсуски, душманининг зарбаси таснирида вертолётнинг ярни синиб тушди. Бошқарув йўқолгач, тўғри пастликка қулади...

Шу кун беговватлилик ўзини қўйишга жой тополмай ўтирган Аваз ака беҳосдан бировнинг чақирганини эшитиб, хаёлини жамлаб кўчага чиқди. Эшик олдида кўп ҳам йўқлайвермайдиган маҳалла рансини кўриб, хайратини яширолмади. Саломалиқдан сўнг раис максадга ўтди.

— Аваз ака, Сизни Китоб тумани мудофаа бўлимидан сўрашган экан. Шунга бораркансиз, айтиб юборишибди, — дея раис ҳам гапни қисқа қилганча жўнаб қолди. Ўғлимдан бирор хабар бордир деганча туман марказига йўл олган ота бўлим эшиги олдида қандай етиб борганини сезмай қолди. Негадир ичкарига киришга ҳоли етмай, шу ерда тўхтади. Орадан чамаси бир соат ўтди, бирор ноҳуш хабар

Отабек Муҳаммадиевнинг қаҳрамонлиги, унинг ортидан ҳеч иккиланмай ҳарбийлик либосини кийган ака-укаларининг шижоати, ота-онасининг жасоратига қойил қолмай илож йўқ.

Яқинда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳрида "Миллат фидойилари" хотира ёдгорлиги ўрнатилди. Бу қўллаб-қўллай ярим оилалар қалбига йопанч олиб кирди. Ақасининг айтишича, ота-онаси вақт этгач, Отабекни деярли ҳеч ким хотирламай қўйган. Онаси югуриб-елиб ўрнатган айрим ёдгорликлар ҳам эътибордан четда қолган. Жумладан, Ўзи тугилиб ўсган Китоб тумани Очамайли қишлоғидаги 11-мактаб ҳовлисида Отабек Муҳаммадиев бюсти ўрнатилган. Ачинарлиси, бюст номини ясалгани кўриниб турибди. Ҳай-ка! Остига эса фақат исм-фамилияси, тугилган ва вафот этган санаси қайд этилган, холос. Кимлиги, қандай қаҳрамонликлар кўрсатгани ҳақида бир қатор сўз ёзилмаган. Таълим маскани биноси ичкари-сидига залда эса О.Муҳаммадиевнинг ҳарбий либосдаги айрим суратлари илб қўйилган. Етарлича маълумот олишга шароит қилинмаган. Қишлоқдаги баъзи кўчалар уч-тўрт йил унинг номи билан аталган. Кейинчалик олиб ташланган. 2023 йилда яна қайта қўйилган. Аммо ҳали-ҳануз эътиборсизлик оқибатида айрим дарвозаларга иккитадан ном ёзилган ёрлиқлар илб қўйилган.

Президенти Шерий 9 май — Хотира ва қадрлар кунини муносабати билан Ғалаба боғида сўзланган нутқида "Бу шероҳрак ўғлонларимизнинг ҳам келажак орзулари бор эди, уларни олдинда яхши ва ёрғу қуллар, ота-онаси, оиласи, шириндан-ширин фарзандлари кутаётган эди. Лекин мамлакатимиз истиқлоли, халқимиз тинчлигига нисбатан реал хавф туғилган пайтда, улар бир дақиқа ҳам ўйлаб ўтирмаган, жонанж Ватанимиз ҳимояси йўлида ўзларини қалқон қилишди. Бу фидойи ҳарбийлар шу тариқа бугунги Янги Ўзбекистон учун мустақкам замин яратиб кетишди. Шу боис, биз уларнинг хотираси, руҳи покларини олдида дамимиз қарздормиз", дея таъкидлаганди. Шундай экан, буни барчамиз бирдек англашимиз зарур. Албатта, бунга Китоб тумани ҳокимлиги жиддий эътибор қаратади деган умидимиз. Зеро, юрт қаҳрамонларини унуттишга ҳаққимиз йўқ.

Ақбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти ДМ

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "ШАРҚ" НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма Г-646. 36191 нусхада босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Ирода Тошматова Мусахҳиж: Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуриш Абдуллаев